

**Биз халқ номидан, халқ учун ишлаймиз, унинг муаммоларини ҳал қиламиз. Агар сайловларда бизни танласангиз ва партиямиз кўрсатган номзодларни қўллаб-қувватласангиз, биз, Сиз — азиз юртдошларимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун курашамиз!**

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

# ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgzt.uz • www.adolatgzt.uz • www.adolat.uz • № 49-son (1270) • 2019-yil 6-dekabr, juma

**“ADOLAT” SDP NOMZODLARIGA OVOZ BERING!**

**ADOLAT YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!**

**“Адолат” СДП номзодларига овоз беринг!**



**Мақсуд ҚУРБОНБОЕВ**  
 Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига 121-Хонқа сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган



www.adolat.uz @adolat\_uz

**Кучли ижтимоий сиёсат — фаровон турмуш асоси**

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар ҳамда халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги ўрни ва мавқеи тобора юксалмоқда. Тарихан қисқа муддатда барча соҳада улкан ютуқларга эришилдики, уларнинг ҳар бири дунё манзараси ўзгариб, турли минтақалар низолар ўчоғи ҳамда тўқнашувлар гирдобиди қолган ҳозирги мураккаб даврда жуда аҳамиятлидир. Истиқдолнинг дастлабки йилларида Ўзбекистон ўз олдида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, очиқ сиёсат олиб бориш, ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш мақсадини қўйган эди. Биз бугун бу ислохотлар натижаларини дунёқарашимиз, ҳаётга муносабатимиз ҳамда турмуш тарзимиздаги ўзгаришларда кўриб турибмиз.

**ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ**

**МИБнинг ижро дафтарини ким назорат қилади?**

Қаранг, фуқаро, аниқроғи, даъвогар суднинг ҳал қилув қарори бажарилишига шахсан қаноат ҳосил қилиш учун сабр-тоқатини жиловлаб яна ва яна кутишга мажбур бўлмоқда. Кутиш деганлари ҳафта-ўн кун эмас, ойлаб давом этса-чи? Давлат идорасининг масъул ходими қонун устуворлигини таъминлашга кўмаклашиш, бу борада ҳозиржавоблик, қатъият кўрсатиш ўрнига ҳафсаласизлик қилса, ўз ваколатларидан ўринли фойдалана олмаса, фаолиятида ошқораликни унутиб, ижро дафтарини ёпиб қўйса, фуқаронинг фигони фалакка чиқмайдами? **6**

**БУГУННИНГ ГАПИ**

**Миллат кўзгусига  
 ҒУБОР ТУШИРМАЙЛИК**

1989 йилнинг 21 октябрида мамлакатимизда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши кўпчилик учун кутилмаган ҳол бўлган. Чунки ўшанда айримларнинг кўнглидан “Ахир биз яшаётган макон Ўзбекистон деб аталса, у республика мақомига, Конституциясига эга бўлиб, ўзбек тили давлат тили ҳисобланса, унинг ҳудудида яшаётганларнинг аксарияти шу миллат вакилларидан иборат бўлса, бундай қонун чиқаришга зарурат бормикан?”, деганга ўхшаш фикрлар кечган. Тўғри, ўша даврда юқоридаги қонуний асослар Ўзбекистоннинг конституциявий ҳужжатларида мавжуд эди. Лекин уларнинг бирортаси ҳаётда амалий ифодасига эга эмасди.

Собиқ шўролар давлати бу конституциявий ҳужжатларда белгиланган қонунларнинг амал қилинишига имкон ҳам бермасди. Ана шундай даврда республикаимизда “Давлат тили ҳақида”ги қонуннинг қабул қилиниши ҳайратомуз воқеага айланди. Бу қонуннинг пайдо бўлишининг сабаблари кейинроқ, 1991 йилда мамлакатимиз мустақилликка эришган даврда маълум бўлди. Чунки инсоният тарихидан аёнки, бирор ҳудудда давлат пайдо бўлиши учун давлатчиликнинг кўплаб атрибутлари билан бирга ўша ерда яшаётган халқнинг тили ва ёзуви тўла шаклланган бўлиши ҳамда унинг фаолият юритиши шарт қилиб қўйилган. Шу маънода 1991 йилда давлатчиликнинг янги давлатчилиги ташкил этилишида бу қонун дастлабки қадам бўлди, мустақилликнинг илк босқичига айланди ва унга замин яратди. **7**

**ТАХРИРИЯТГА ХАТ**

**Банк ёрдамига умид қилманг, нажот йўқ!**

Ҳурматли тахририят ходимлари!  
 2018 йилнинг 16 апрелида Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Амиробод маҳалласида аҳолини иш билан таъминлаш, хотин-қизларнинг бандлигини ошириш мақсадида тўқимачилик-тикувчилик ва полипропилен қоплар ишлаб чиқаришни режалаштирган ҳолда “NAFOSAT-TEXTILE” МЧЖ қорхонасини ташкил этишни ният қилган эдим. Ушбу лойиҳа туман ҳокимияти томонидан маъқулланиб, Амиробод маҳалласи ҳудудида қаровсиз қолган собиқ колхоз клуби биносининг бир қисми уч томонлама шартнома асосида хориждан янги асбоб-ускуналар келтириш орқали инвестиция киритиш шарти билан ижарага берилди. Ушбу қаровсиз қолган бинони таъмирлаш учун “Лойиҳа-Нур-Гео”

МЧЖ томонидан 848 521 925 сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажариш лозимлиги тўғрисида смета ҳужжатлари тайёрланди. Бугунги кунгача ўз шахсий маблағим ҳисобидан 400 000 000 сўмлик таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари бажарилиб, янги заводнинг асбоб-ускуналарини жойлаштириш учун барча шарт-шароитлар тайёрланди.

Ушбу лойиҳа туман ҳокимияти томонидан маъқулланиб, Амиробод маҳалласи ҳудудида қаровсиз қолган собиқ колхоз клуби биносининг бир қисми уч томонлама шартнома асосида хориждан янги асбоб-ускуналар келтириш орқали инвестиция киритиш шарти билан ижарага берилди. Ушбу қаровсиз қолган бинони таъмирлаш учун “Лойиҳа-Нур-Гео”



Мамлакатимизда миллий маънавия-тимизни юксалтириш, навқирон авлод-ни Ватанга муҳаббат, истиқлол гоёла-рига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш-га алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу бежиз эмас. Ҳозирги давр ўзига хос мураккаб ижтимоий-иқтисодий, сиё-сий-мафкуравий жараёнлар негизда ҳар қайси давлат ва жамиятнинг олди-га кечиктириб бўлмас вазифаларни қўймоқда. Улардан бири ёшлар тарбия-си масаласидир. Умуман, тарбия иши барча замон ва маконларда ё ҳаёт, ё мамонт масаласи сифатида долзарб аҳамият касб этиб келган.



## Ёшлар — мамлакат тараққиётининг ҳал қилувчи омили

Ёшлар — жамиятнинг туб не-гизи, аҳолининг илғор қатла-ми, келажакнинг ишончли во-рисларидир. Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, дунёқараши, ўй-фикри, маъна-вий қиёфасига қараб ўша жа-мийатнинг эртанги кунини тасав-вур этиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йилдаёқ, аниқроғи, 1991 йил-нинг 20 ноябда «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатим-изда ёшларга эътибор маса-ласи давлат сиёсати даража-сига кўтарилган эди. Мазкур қонун бош ислохотчи бўлган давлатнинг ёшлар масаласига доир асосий стратегик йўна-лишлардаги фаолиятини изчил ва тизимли равишда бос-қичма-босқич амалга ошириш-га имконият яратиб берди. Та-рихан қисқа даврда Ўзбеки-стон ёшлари эришган муваф-фақият ва зафарлар замири-да давлатимиз томонидан кўрсатилаётган катта ғамхўр-лик, яратилган кенг имконият-лар, юксак эътибор мужассам-дир.

Мамлакатнинг қудратини белгилайдиган омиллар кўп. Бирок уларнинг энг асосийла-ридан бири, шубҳасиз, шу юр-та воёга етаётган юксак маъ-навиятли, жисмонан соғлом,

ҳар томонлама баркамол ав-лоддир. Зеро, юртининг келажак-и бугун камолга етаётган ёшлар қўлида.

Партияимиз томонидан ҳам ёш авлоднинг соғлом бўлиб ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб воёга етишини таъминлаш, шунинг-дек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот техно-логиялари ва китоб лойиҳалар бўлган қизиқишини ҳар томон-лама қўллаб-қувватлашга қара-тилган бир қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда ҳамда самарали ишлар олиб борил-моқда.

Жумладан, партиямизнинг Сайловолди дастурида ёшлар ўртасида учраётган салбий ҳолатларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик-ни кескин камайтиришга қара-тилган профилактик ишлар на-тижадорлигини ошириш, ёшлар ўртасида кўнгиллилар ташаб-бусларини қўллаб-қувватлаш, ижодкор, танқидий-таҳлилий мушоҳада орқали эркин фикр-ловчи, ишбилармон, тадбиркор ҳамда интеллектуал салоҳияти юқори бўлган бугунги кун қаҳрамони тимсолини яратиш, хотин-қизларнинг ижтимоий фаолигини қўллаб-қувватлаш, уларда оилавий қадриятларни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оши-риш, ёш оилалар, хусусан, им-

конияти чекланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларни, етим болалар ва ота-она қарамоғи-дан маҳрум бўлган болаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, улар учун му-носиб уй-жой ва ижтимоий-маи-ший шароитларни яратиш, ёш ташаббускор кадрларни танлаш ва уларни раҳбарлик лавозим-ларига тайёрлаш тизимини яна-да такомиллаштиришга қара-тилган ишларни йўлга қўйиш, ёшлар муаммоларини ўрганиш ишларини тизимли ташкил этиш ва уларни ҳал этишга қаратил-ган ишлар натижадорлигини ошириш, хориждаги ватандош-лар билан ишлаш, халқаро ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва халқаро доирада тажриба алмашинув тизимини янада такомиллашти-ришга алоҳида аҳамият қара-тилган.

Қолаверса, ёшларнинг сиё-сий-ҳуқуқий билимларини ошириш, уларда фаол фуқа-ролик позициясини шаклланти-риш ҳам Ўзбекистон “Адо-лат” СДП фаолларининг диқ-қат марказида бўлиб келмоқ-да. Жумладан, партиямизнинг “Ватан келажакни ёшлар қўлида” лойиҳаси доирасида аънавий тарзда ўтказиб ке-линадиган “Конституция билим-донни” республика кўрик-танлови ҳам ана шу мақсад-ларга хизмат қилади. Шу би-

лан биргаликда мазкур кўрик-танлов жамиятда қонун усту-ворлигини таъминлаш, давлат ва жамият бошқаруви моҳия-ти ҳақида ёш авлодга тушун-да бериш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этишда ёшлар-нинг иштирокчини ошириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада кучайти-риш, ёшлар ҳуқуқ ва манфа-атларини ҳимоя қилишга қара-тилган қонунларни уларга ет-казиш, ёшлар ҳуқуқ ва ман-фаатларини ҳимоя қилиш,

иқтидорли ўқувчиларни рағ-батлантиришга хизмат қил-моқда.

Партияимиз томонидан ёш-ларнинг турли соҳаларда ин-телишларини қўллаб-қувват-лаш борасида амалга ошири-лаётган ислохотлар ёшларнинг юксак эътирофига сазовор бўлмоқда. Бу эса партиямиз-нинг жойларда танилганлиги-ни оширишда ҳамда хайри-хоҳларимиз сафининг янада кенгайишида алоҳида аҳа-ми-я касб этади.

## Кучли ижтимоий сиёсат — фаровон турмуш асоси

Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида юз бераётган исло-хотлар билан бир қаторда, соғлиқни сақлаш, таълим, санъат ва маданият, жисмоний тарбия ҳамда спорт каби жабҳалар-да ҳам бозор иқтисодиётига хос ўзгаришлар юз берди.

Маълумки, жамиятнинг юксак интеллектуал салоҳияти — мамла-катнинг рақобатбардошлигини таъминловчи, барқарор ривожла-нишнинг ҳал қилувчи омилдир. Таълимга инвестиция киритиш — бу келажакка сармоя киритиш, халқ фаровонлиги, давлатнинг ра-қобатбардошлигини таъминловчи омилдир. Бойси, маърифатли бўлиш ва таълим олиш ёруғ келажак, бағрикенглик ва инсонпарварлик калитидир. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси эса узлуксиз таълим тизимининг кейинги такомиллашуви, сифатли таъ-лим хизматларига эга бўлишни ошириш, юқори малакали кадр-ларни тайёрлаш тарафдоридир. Бунинг учун мактабгача таълим даргоҳлари тизимини салмоқли кенгайтириш ва уларда болалар-нинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожла-ниши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, боғча ёшидаги болаларнинг қобилиятла-рини психологлар ёрдамида аниқлаб, уларнинг махсус итисос-лаштирилган синфларда ўқитилишини ташкил қилиш зарур. Шу-нингдек, умумий ўрта таълим сифатини тубдан яхшилаш, болалар спортини ҳамда мусиқа ва санъат мактабларининг мавжуд объектла-рини реконструкция қилиш, аҳолининг мутлоқ маданиятини ри-вожлантириш каби масалалар ҳам партия Сайловолди дастуридан кенг ўрин олган. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир мактабда тиббиёт хонаси бўлиши, зарур дори-дармонлар билан таъминланиш ва ма-лакали тиббиёт ходими узлуксиз ишлашига ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Партия Сайловолди дастурида умумтаълим мактабларида ўқитув-чилар иш ҳақининг ошиши ва ижтимоий мавқенини кўтариш, Таъ-лим тўғрисидаги кодексни қабул қилишни таклиф қилаётимиз. Олий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган ти-зимли ишларни давом эттириш, хусусан, ОТМларнинг моддий-техник базасини замонавийлаштириш, миллий ОТМларнинг хори-жий таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, илмий-педагогик фаолиятга чет эллик юқори малакали ўқитувчи ва олимларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Аҳоли саломатлиги — улкан бойлик ва ҳеч нарсага алмашмай-диган капитал, жамиятнинг барқарор ривожланиши гаровидир. Соғ-лиқ — бу нафақат бойлик, балки катта салоҳият, мамлакат ижтимо-ий ва иқтисодий ривожланишини ҳаракатга келтирувчи асосий куч, давлат қудрати кўрсаткичидир. Рўёбга чиқарилаётган кучли ижти-моий сиёсатнинг амалий ифодасини соғлиқни сақлаш тизимидаги ўзгаришлар ва янгилишлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбе-кистон аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси 67 ёшдан 73 ёшга етди. Сўнгги беш йилда мамлакатимизда оналар ҳамда болалар ўлими бир неча баробар камайди. Бу кўрсаткичлар бўйича Ўзе-кистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Минг йиллик ривож-ланиш мақсадларига тўлиқ эришганини алоҳида таъкидлаш зарур. Шу боис партия аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиб-биёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, замонавий техноло-гия ва даволаш усулларини кенг жорий қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини қайта шакллантириш давом эттириш тарафдоридир. Шу билан бир қаторда, Ўзбекистон “Адолат” СДП давлат соғлиқни сақлаш соҳасининг илмий мақабларини кенг ривожлантириш, жар-роҳлик, урология, кардиология, кўз микрожарроҳлиги, акушерлик ва гинекология, педиатрия, терапия, тиббий реабилитация каби йўналишлар бўйича ихтисослаштирилган тиббий марказлар ти-зимини ривожлантириш тарафдори. Бу борадаги устувор мақсад — аҳолига барча даражалардаги (республика, вилоят ва туман) юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш тизи-ми самарадорлигини таъминлашдан иборат.

Кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва уни барқарор ривожланти-ришнинг яна бир энг муҳим вазифаси, бу миллий фармацевтик санаотни қўллаб-қувватлаш саналади. Фармацевтик санаотни ри-вожлантириш, янги дори воситаларини ишлаб чиқаришни ўзлашти-риш ва аҳоли, тиббий ташкилотлар талабидаги импортнинг ўрнини босувчи дорилар ва тиббиёт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни оши-риш — бу иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барқарор ривожлани-шида муҳим омил, аҳолининг ижтимоий ҳимоялини кафолатидир.

Хулоса қилиб айтганда, халқимиз турмуш фаровонлигини оши-риш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш каби соҳаларни ривожлан-тириш боробарида, кам таъминланган аҳоли қатламларини ман-зилли ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш бўйича кўрилаёт-ган чора-тадбирлар бугун беқиёс самара бермоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимиз аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасидаги қатор кўрсаткичлар бўйича дунёдаги етакчи давлатлар қаторидан жой олаётгани ҳам юртимизда кучли ижтимоий сиёсат юритишда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг нечоғли оқилона ва пухта эканлигини яққол тасдиқлайди.

Сиёсий майдонда халқчил ва ҳаётий гоёлари билан ўз ўрни ва обрўсига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг Сайловолди дастурида ҳам Ватанимиз тараққиёти учун ижтимоий давлат ва “умумий барқарорлик ҳукмрон бўлган” адолатли фуқаролик жамиятини қуришнинг социал-демократик мо-делини таклиф этади. Шу сабабли партиянинг Сайловолди дасту-рида кучли ижтимоий сиёсат — барқарор ривожланиш кафолати эканлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Биз, номзодлар партиямизнинг ана шу эзгу мақсадларини амалга оширишда ҳамisha камарбаста бўламиз.

жамият эътирофига ҳам сабаб бўлмоқда. Мамлакатимизда таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий секторлар ва шу каби бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар, ай-ниқса, халқимиз дилидаги орзу-истаклар рўёбига хизмат қилаётир. Зотан, халқимиз ўз келажакни пойдеворининг яна-да мустаҳкам бўлишини таъ-минлади. Олий ва ўрта таълим тизими ҳам ислохот этилмоқда-ки, бу ривожланган дунё дав-латлари билан бўйлашиб, дунё саҳнасида муносиб ўринга эга бўлишимизга замин яратди.

Хулоса ўрнида айтганда, халқимиз турмуш фаровонли-гини ошириш, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш каби соҳа-ларни ривожлантириш бора-бариди, кам таъминланган аҳоли қатламларини манзил-ли ҳимоя қилишни янада та-комиллаштириш бўйича кўри-лаётган чора-тадбирлар буг-ун беқиёс самара бермоқда. Дарҳақиқат, мамлакатимиз аҳоли турмуш даражасини юксалтириш борасидаги қатор кўрсаткичлар бўйича дунёдаги етакчи давлатлар қаторидан жой олаётгани ҳам ижтимоий-иқтисодий исло-хотларнинг нечоғли оқилона ва пухта эканлигини яққол тасдиқлайди.

## Ўзбекистоннинг янгиланаётган тарихи

либ чиққан ҳолда ўрнатиш, одамларнинг сиёсий ва ҳуқуқий эркинликларини таъминлаш, маданият ва маънавиятни юкс-салтириш, комил инсонларни тарбиялаш ва бошқа муаммо-лар тўғрисидаги гоёлар ташкил қилади.

Ўзбекистонда кечаётган бу-гунги ўзгаришлар мамлакат янги тарихини бошлаб берди десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Зотан, юртимизда иж-тимоий-иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда юз бераётган улкан янгиланишлар давлати-мизнинг дунё ҳамжамияти би-лан том маънода интеграция-лашувини таъминламоқда. Қис-қача айтганда, бугун юртимиз дунёни ўзига чорлапти, ёпиқ-ликдан очик прагматик сиёсат сари юзланмоқда. Бундай тутум, шубҳасиз, бугунгача мавжуд бўлган тартиб-қоидаларни ислох қилиш ва уларни дунё ан-дозаларига уйғунлаштиришни тақозо этади.

Аёнки, олиб борилаётган из-чил ислохотлар ҳамда халқи-мизнинг фидокорона меҳнати туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон майдонидаги ўрни ва мавқеи

тобора юксалмоқда. Тарихан қисқа муддатда барча соҳалар-да улкан ютуқларга эришилди-ки, уларнинг ҳар бири дунё ман-зараси ўзгариб, турли минта-қалар низолар учоғи ҳамда тўқнашувлар гирдобиди қолган ҳозирги мураккаб даврда жуда аҳамиятлидир.

Бугун юртимизда инсон оми-ли олий қадрият даражасига кўтарилди. Президентимизнинг “Одамлар эртага эмас, бугун бахтли яшашни истайдилар”, деган тамойилни илгари сури-ши ва буни бугунги сиёсатимиз-нинг устувор йўналишига айлан-тиришида ҳам айнан шу маз-мун-моҳият мужассам. Мазкур принцип ижроси ўлароқ, мам-лакатимизда амалга оширила-ётган инсонпарвар сиёсат одамлар ҳаётига янги мазмун бахш этмоқда. Хусусан, аҳоли-нинг талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда, кишлоқ жойларда янгиланган намуна-ли лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш бўйича дас-турнинг қабул қилингани одам-лар қалбида яшаш ва ишлашга бўлган қарашларни ўзгартириб юборди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам “Иж-тимоий тенглик — тенг ҳуқуқ ва тенг масъулият демакдир” та-моилига таянган ҳолда фуқа-роларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий тенглиги, ҳар бир фу-қаро қобилияти ҳамда малака-сидан келиб чиқиб меҳнат қили-ш кафолатланадиган, меҳнати-нинг миқдори ва сифатига яра-ша муносиб иш ҳақи ва ҳаёт даражасига эришиши учун кенг имкониятлар яратилган ижтимо-ий давлат қуриш тарафдоридир.

Қолаверса, давлатимиз раҳ-бари “бизнинг энг олий мақса-димиз одамларимизни рози қилиш” дея тақдор ва тақдор таъкидлаб келмоқда. Халқона ва самимий айтилган бу сўз ас-лида мамлакат ижтимоий сиё-сатини белгилаб беради. Узин-гиз ўйлаб кўринг, ўтган уч йил ичида юртимизда қандай олам-шумул воқеалар юз берди. Та-рихий ўзгаришлар шарофати билан давлат халққа яқинлаш-ди, у энди халқ учун ишлаб бoшлади. Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхо-налари фаолияти бугун наинки халқимиз, балки халқаро ҳам-

Одамлар бахтли бўлиши учун, улар, албатта, озод ва обод Ватанда яшашни, эркин ва фаровон ҳаёт кечириши зарур. Озод Ватанни барпо этиш ва озод жамиятда яшаш учун, авваламбор, жамият, давлат ва инсон тўғрисида илмий-назарий билимлар яра-тилиши талаб қилинади.



**Нодира ДЖАНИБЕКОВА,**  
Гулистон давлат университети катта ўқитувчиси,  
Сирдарё вилоят Қирғиз миллий маданий  
маркази раиси,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига  
74-Янгиер сайлов округидан кўрсатилган номзод

Бу билимларни асосан ижти-моий-сиёсий маъно-мазмунга эга бўлган, жамиятни бошқа-риш, унда ишлаб чиқаришни

ташкил қилиш, демократик та-моийларнинг ҳаётга жорий этиш, мулкий муносабатларни бозор иқтисодиёти талабларидан ке-

ADOLAT YO‘LIDA BIRLASHAYLIK!

NOMZODLARIMIZGA  
OVOZ BERING!



**Абдували МАВЛАНОВ**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутатлигига  
54-Норин сайлов округидан  
номзод этиб кўрсатилган

Мамлакатимизда олий таълим тизими тубдан ислох қилиниши зарур. Соҳага бўлган эътибор ҳам ҳар қачонгидан юқори эканлиги бежиз эмас. Инновацион фикрлайдиган талаба-ёшларни тарбиялаш муҳим стратегик вазифага айланмоқда. Бу борадаги ижобий ўзгаришлар, ҳеч шубҳасиз, келажакда халқимиз орзу қилган жиддий сифат ўзгаришлари учун замин яратди.

## Жамиятни орқага тортувчи эмас, олдинга бошловчи бўлишимиз керак

Айни вақтда тобора шиддатли суръатлар билан ўзгариб, олдимизга янгидан-янги, ўта муҳим ва долзарб вазифалар кўяётган бугунги замонда фақат ташкилий-амалий ўзгаришларнинг ўзи етарли эмаслигини барчамиз яхши тушунамиз. Бунинг мазкур тизимда кўпгина муаммолар ҳали-ҳануз сақланиб қолаётгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Албатта, масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсак, мавжуд муаммоларнинг ечими кўп жиҳатдан олий ўқув юр்தларининг моддий-техник базаси етарли даражада эмаслиги, молиявий таъминот, яъни молиявий ресурсларнинг тақчиллиги билан изоҳланади. Бироқ аксарият муаммолар ва уларнинг ечими тизимнинг ичинда экани, улар йиллар давомида шаклланган бепарволик кайфиятига, бир сўз билан айтганда, инсон омилига боғлиқ бўлиб қолаётгани аён бўлади.

Соҳадаги аниқ ва конкрет муаммолар ҳақида гапирадиган бўлсак, аксарият профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти бугунги кун талабларига жавоб бермаслиги, уларнинг асосий қисми ўз устида ишламасдан, фақат кун ўтказиш билан овора экани, онгу тафаккури замон талабларидан орқада қолиб, бундан 30-40 йил олдинги қолп ва мезонлар доирасида қотиб қолганини афсус билан қайд этишга тўғри келади. Профессор-ўқитувчилар учун ташкил қилинган малака ошириш курслари самарасиз ва номига иш олиб боради, уларда дарс бераётган профессора таркибининг асосий қисми бўлиб, улар бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Яна бир масала — олий ўқув юр்தларидаги илмий кенгашлар фаолияти ҳам талабага мулкка жавоб бермайди. Илмий тадқиқот ва диссертациялар номига

муҳокама қилиниб, Олий аттестация комиссиясига тавсия этилади. Табиий савол туғилади: Ўзбекистонда шунча номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланаётган бўлса, нима учун ҳақиқий олимлар бармоқ билан санарли даражада кам? Нима учун ўтган юзта фан номзоди ёки фан докторидан фақат 2-3 таси аналитик фикрлай олади? Ёки аксинча — оддий журналистлар, адиб ва илмий ходимлар ўртасида фаолият самарадорлиги, аналитик фикрлаши нуктаи назаридан ўнлаб олимларнинг ўрнини босадиганлари бераётган илмий-ижодий маҳсулотлари жамият таълим тизими учун қандай фойдали эканлиги қанча? Нима учун уларни илмий ўқув-тарбиявий жараёнларга жалб этиб, илмий даража ва унвонлар бериб рағбатлантирмаймиз? Ахир, улар ҳам ўзимизнинг фидойиларимиз-ку! Қачонгача олдимиздан оққан сувнинг қадри бўлмайдими!

Афсуски, мамлакатимиз олий ўқув юр்தларида коррупция ва таъмағирлик балоси ҳамон сақланиб қолмоқда. Кириш имтиҳонларида (айниқса, ижодий имтиҳонлар, хорижий олий таълим муассасаларидан ўқишни ўзимиздаги таълим муассасаларига кўчириш учун ўтказиладиган имтиҳонларда) таниш-билишчилик, коррупция ва таъмағирлик ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Аксарият олий ўқув юр்தларида жамоатчилик назорати ўрнатилмаган бўлса ҳам номига иш юртайди. Жамоатчилик кенгашлари ҳам қозғола бору, амалда фаолият юритмай-

барчамизни ўйлантириши керак бўлган яна бир долзарб масала — магистратуранинг ҳамон эски тизимда қолаётгани, ижобий ўзгаришларнинг даярли йўқлиги, магистратурага кириш имтиҳонлари билан Давлат тест маркази эмас, балки олий таълим муассасаларининг ўзи шугулланаётгани,



**Дилором ШАМСИЕВА**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутатлигига  
39-Қизилтепа сайлов округидан  
номзод этиб кўрсатилган

шу боисдан бу борада турли қаллобликлар, коррупцион ҳолатлар йўқолмаётгани ачинарийдир. Энг ёмони ана шундай муаммоларнинг мавжудлиги талаба-ёшлар, профессор-ўқитувчилар, ота-оналар ва бутун халқимиз ўртасида тизимдаги ислохотларнинг натижадорлигига бўлиб қарайди.

Жамоатчиликнинг ҳақиқий эътирозига сабаб бўлаётган яна бир масала — талабалар учун контракт тўловлари миқдори ва талабалар стипендияси масаласидир. Маълумки, контракт нархлари иш ҳақига боғлиқ бўлиб, иш ҳақи миқдори ҳар ош-

ганда контрактлар ҳам шунга мутасоиб равишда ошиши белгилаб қўйилган эди. 1 августдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонида мувофиқ иш ҳақи миқдори 10 фоизга оширилди. Контракт тўловлари ҳам шунга мувофиқ 10 фоизга оширилиши керак эди. Бироқ амалда бундай бўлмади. Турли вақтлар баҳонасида контракт тўловлари асоссиз равишда таълим йўналишларига қараб, 15 фоиздан 23 фоизгача оширилди.

Бу масала учун мутасадди шахслар, шундоқ ҳам контракт тўловларини тўлашга қийналиб

юрған оилаларга бунинг қандай тушунтириб беришди?

Афсуски, стипендиялар масаласида ҳам шундай адолатсизликка йўл қўйилмоқда. Янги ўқув йилидан бошлаб, давлат гранти ва тўлов контракт асосида ўқийдиган барча талабалар учун стипендия миқдори учун барча бир хил, яъни 400 минг сўм этиб белгиланди. Стипендиялар ҳажмининг талабаларнинг оралиқ синовлар даврида олган баҳоларга нисбатан дифференцияси, яъни, “ўрта”, “яхши”, “аъло” баҳолар учун стипендия бекор қилинди. Бунинг ўрнига фаол, аълочи, жамоатчи талабалар учун олий ўқув юр்தлари ректорлари томонидан стипендиянинг 50 фоизгача, яъни 200 минг сўмгача муқофот пули жорий қилинади.

Бу “янгилик” “5” баҳо олишга астойдил интилаётган аълочи талабаларнинг иштиёқини сўндириб қўйиши ҳеч гап эмас. Талабанинг 50 фоизлик муқофоти олишга уриниши турли кингирлик ва адолатсизликларни келтириб чиқармайдими?

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим тизими мутасаддилари соҳада бир талай муаммолар борлигини, мамлакатимиз Президентини ва халқимизнинг ишончини оқлай олмаётганини тўлиқ англаб етишлари лозим. Бепарволик, мавжуд муаммолардан кўз юмиш ёки уларни хаспўшлаш билан узоққа боролмаймиз. Аиниқса, мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўяётган ҳолатда ўта муҳим даврда мутасадди раҳбарлар ўз зиммасида қандай катта масъулият турганини чуқур ҳис этишлари лозим.

Партияимиз Сайловолди дастурида ўз олдида ҳаётимизда учраётган ана шундай муаммоларни масалаларга ҳуқуқий ечим топиш мақсад қилиб қўйган.

## Тинчлик ва барқарорлик миллий манфаатлар устуворлигини таъминлашга хизмат қилади

Ўзбекистон “Адолат” СДП социал-демократия мафкурасига таянади ва ижтимоий адолат, эркинлик, бирдамлик, гоғларини илгари суриб, Марказий Осиё давлатларининг дипломатик динамик ташқи сиёсати ҳамда ҳар томонлама кўшничилик алоқаларини йўлга қўйган минтақага айланган тарафдор. Биз Марказий Осиё халқларининг миллати, тили, эътиқоди асосида ўзаро қарама-қарши қўйилишни қаттиқ рад этамиз. Давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатлиқни қўллаб-қуватлаб, халқларимиз бирлигини, биродарлигини мустаҳкамлашга интиламиз. Сиёсий-ижтимоий муаммоларни тинчлик, келишув йўли билан ҳал этиш тарафдоримиз.

“Адолат” СДП Ўзбекистоннинг давлатлараро муносабатларда ҳамкорлик қилиши ва тенг ҳуқуқли шерик бўлишига ёрдам беради. Биз сиёсий ва диний экстремизм, унинг ҳар қандай кўринишларини қатъий қоралаб ҳамда унга қарши бундан кейин ҳам мафкуравий кураш олиб бораверамиз. Айни дамда давлатимиз аъзо бўлган БМТ, ШХТ, МДХ, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотларнинг ижтимоий ва инсонпарварлик дастурлари доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишини ёқлаймиз. Биз “Халқимизга, энг аввало, тинчлик ва хотиржамлик керак” деган принципини изчиллик билан амалга ошириш тарафдори бўлиб қолаверамиз. Шунингдек, “Адолат” СДП Ўзбекистон миллий манфаатларига мос келувчи ташқи сиёсат олиб бориш тарафдоридир.

Дарвоқе, партиямиз олдидаги мақсад ва вазифалар, беш йил давомида амалга ошириладиган ишлар Сайловолди дастурида аниқ баён этилган. Сайловолди дастурида келажакдаги ишларимизни қандай амалга ошириш механизмларини белгилаб беради ҳамда партиямизнинг барча бўғинлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари, БПТлар ҳамда ҳар бир аъзо учун фаолиятида дастак бўладиган аниқ қўлланмадир.

Партияимиз ўз аъзолари ва хайрихоҳлари манфаатлари ҳамда хоҳиш истақларидан келиб чиқиб, дастурий вазифаларини белгиланган Сайловолди дастурида армияимизни тубдан ислох қилиш, қўшинни замонавий ҳарбий техника, ахборот-коммуникацион технология билан доимий таъминлаб боришни қўллаб-қуватлайди.

Сайловолди дастурида ҳарбий хизматчиларнинг оилалари ҳам иш билан таъминланиши, ўқуш, пенсия, тиббий таъминот соҳаларида ҳам қонун билан кафолатланган имтиёзларга эга бўлиши масаласи долзарб вазифа сифатида эътироф этилган. Умуман, “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастури аҳоли манфаатларини қамраб олган аниқ сиёсий стратегияга эга. Мен партиямиз Сайловолди дастурида илгари сурилган барча масалалар ўта долзарб эканлигини алоҳида қайд этмоқчиман.

Бугунги янги давр бизнинг олдимизга янги талаблар қўймоқда. Жамиятда ўз ўрнинини топиш ва сайловчиларимизга таяниш учун фаол ҳаракат қилишимиз лозим. Биз тарафдорларимизни кўпайтириб, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда, маҳаллалар, узоқ қишлоқларга ўз гоғларимиз билан халқ ичига кириб бораёламиз. Бунинг илтимоси партиямиз ташкилотлари томонидан шу кеча-кундузда қорхона, ташкилот, маҳаллаларда уюштирилаётган аҳоли билан юзма-юз мулоқотлар, турли йўналишдаги тадбирлардан ҳам билиш мумкин.

Сайлов — сийлов эмас. Балки партиямиз учун катта синовдир. Биз Сайловолди дастурида белгиланган гоғ, вазифалар эртанги ҳаётимиз учун муҳим эканлигини халқимизга тўғри тушунтирсак, обод Ватанимизни янада тараққий эттириб, халқро майдондаги нуфузини ошириш учун ҳаётий ташаббусларни кўтариб чиқсак, шунчалик кўп сайловчининг қўллаб-қуватлашига эришимиз.

## Инновацион технологиялар — иқтисодий юксалиш гарови

Бугун ҳаётимизнинг ҳеч бир соҳасини ахборот коммуникация технологияларисиз тасаввур қила олмаймиз. Ҳозирда дунёнинг энг тараққий этган давлатлари иқтисодиёти табиий ресурслар ҳисобига эмас, “ақлли” технологиялар қурилайётганлиги, келажакимиз ҳам айнан инновацион ечимларга асосланишдан дарак беради. Бунга Сингапур, Япония, Жаңубий Корея каби давлатлар иқтисодиётини мисол келтиришнинг ўзи kifфоя.

Мамлакатимиз сиёсий майдонда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлган Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ҳам жорий йилнинг декабрь ойида вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловлар олдида тақлиф этаётган янги Сайловолди дастурида ўшбу масалага алоҳида эътибор қаратмоқда. Яъни, партия жамиятимизнинг энг муҳим тармоқларига энг илгор, энг янги технологияларни жорий этишни устувор вазифа сифатида илгари сурмоқда.

Хусусан, партия “ақлли”, инновацион технологияларга асосланган иқтисод — мамлакат қудратининг ошиши, халқ фаровонлиги, ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш ва Ўзбекистоннинг барқарор сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ривожланиши асоси ва гарови, деб ҳисоблайди. Бундан инновацион яратиш жараёни инновацион иқтисодиёт ва билимлар иқтисодиётига ўтиш, уларни яратувчилар учун салмоқли молиявий ҳаражатлар билан боғлиқ бўлади. Партиямиз ўшбу соҳадаги лойиҳаларга давлат ресурслари билан бирга, хусусий сектор ва аҳоли маблағларини жалб қилишнинг самарали механизмларини жорий қилиш тақлифни илгари сурмоқда.

Биз илмий-инновацион фаолиятни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш учун қулай шароитларни яратиш бўйича давлат инновацион сиёсатини қўллаб-қуватлаймиз. Рақамли технологиялар базасида иқтисоднинг барча соҳаларини янгилашди кўзловчи “Рақамли Ўзбекистон — 2030” Миллий дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш устувор вазифаларимиздан биридир. Бу иқтисодиёт қувватларининг “ёруғликка” чиқиши ва қучайиши ҳисобига, мамлакат ялли ички маҳсулотининг 30 фоизга ошишини таъминлашга имкон беради.

Биз, шунингдек, давлат бошқарувида “Электрон парламент” мақсадли дастури-

ни амалга оширишда давом этиш, фуқаролар ва барча даражадаги вакиллик ҳокимият органлари орасида доимий мулоқот ва алоқаларни кенгайтириш тарафдоримиз. Давлатта ҳамда жамиятта кучли, салоҳиятли, ижтимоий масъулиятни сезувчи ва халқ учун очик ҳокимият керак. У мамлакатни замонавийлаштириш, унинг рақобатдошлигини ошириш учун меҳнат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатларини амалга оширишга ёрдам берувчи доимий жамоат назорати остида бўлиши ва фуқаролик жамияти билан доимий мулоқотда бўлиши ва демократик институтларни мустаҳкамлаши керак.

Замонавий технологияларни яратиш ва амалиётга татбиқ қилиш учун, албатта, кучли таълим тизими ва салоҳиятли кадрлар зарур. Шундан келиб чиқиб, биз таълим тизимининг барча босқичларига замонавий ахборот коммуникацион технологияларни жорий қилиш зарур, деб ҳисоблаймиз. Жумладан, олий таълим тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган тизимли ишларни давом эттириш, ОТМларнинг моддий-техник базасини замонавийлаштириш, уларни замонавий ўқув-илмий лабораториялар ва АКТ воситалари билан таъминлаш, халқаро таълим стандартларига асосланган ўқув-услубий материаллар ва ўқув дастурлари, етакчи педагогик технологияларни ўқув жараёнига кенг жорий қилиш тарафдоримиз.

Таъкидлаш лозимки, аҳоли саломатлиги — улкан бойлик ва ҳеч нарсага алмаштинмайдиган капитал, жамиятнинг барқарор ривожланиши гаровидир. Соғлиқ — бу нафақат бойлик, балки катта салоҳият, мамлакат ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини ҳаракатга келтирувчи асосий куч, давлат қудрати кўрсаткичидир.

Шу боис биз — аҳолига кафолатли тиббий хизмат кўрсатиш, тиббиёт ходимлари

меҳнатини рағбатлантириш, замонавий технология ва даволаш усулларини кенг жорий қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини қайта шакллантириш давом эттириш тарафдоримиз.

Мазкур соҳада партиянинг устувор мақсади — замонавий, юқори технологияли, самарали тез тиббий ёрдам хизмати шакллантириш. Биз шошилинч тез тиббий ёрдам тезкорлигининг замонавий жаҳон талабларига мос бўлиши ва самарадорлигини таъминлаш, шошилинч тез тиббий ёрдамни бошқаришнинг ахборот тизимини жорий қилиш, тез тиббий ёрдам хизмати моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Аҳолига барча даражалардаги (республика, вилоят ва туман) юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини таъминлаш ҳам партиямизнинг асосий мақсадларидан биридир. Биз халқимизнинг йўналишларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига илмий-тадқиқот фаолиятининг охириги ютуқларини фаол жорий қилиш тарафдоримиз.

Бундан ташқари, ҳозирги ахборотлаш жамиятда замонавий технологиялар очкичлик, ошқоралик ва шаффоқлиқни таъминлашнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Биз унун ошқоралик, мулоқот, қонун устуворлиги, бағрикенглик, масъу-



**Абдугани УМИРОВ**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутатлигига  
128-Нишон сайлов округидан  
номзод этиб кўрсатилган

лият, очкичлик — эркин жамиятга тегишли тушунчалардир. Биз ҳар бир инсоннинг ўз фикрини эркин ифода этиш ва ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаш орқали фуқароларнинг демократик жараёнлардаги, жамият ва давлатни бошқаришдаги иштирокини таъминлаш зарур, деб ҳисоблаймиз. Бу борада маҳаллий ОАВларнинг ролини мустаҳкамлаш, уларнинг рақобатдошлигини глобал ахборот маконда қучайтириш жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлашнинг муҳим шартидир.

Хулоса ўрнида айтганда, инновацион, “ақлли” технологияларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларига татбиқ қилиш бугунги кун талабидир.

Барча замонларда аёлга ҳурмат-эътибор қадрланиб келинган. Чунки аёллари эъзозланган юртнинг мавқеи доимо баланд бўлган. Аёл нафақат она, келажак авлодни дунёга келтириб, тарбиялаб вояга етказувчи инсон, балки жамият ҳаётида ҳам ўз ўрнига эга шахс сифатида қадрланган мамлакатнинг бахти ҳамиша кулган. Демакки, биз аёлни қанча кўп эъзозласак, эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ёруғ манзилларига йўл очилиши, шубҳасиз.



**Сайёра ЖУМАЕВА**  
Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутатлигига  
60-Пайарик сайлов округидан  
номзод этиб кўрсатилган

## Аёлга муносабат — келажакка ҳурмат

Бугун жамиятимизда юқоридаги фикрлар тўла ўз тасдиғини топиб, аёлларга бўлган эътибор тобора кучайиб бормоқда. Уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, бирор-бир фаолият билан шуғулланишларига кўмаклашиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, ижтимоий кўмаклашишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон “Адолат” СДП ҳам ўз позициясидан келиб чиқиб, юртимизда хотин-қизлар борасида амалга оширилаётган кенг ислохотларга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Хусусан, партия лойиҳалари асосида аёлларни, ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларни иш билан таъминлашга яқиндан кўмаклашилмоқда. Уларга ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатилмоқда. Партиянинг “Адолат — қонун устуворлигида” лойиҳаси доирасида ҳар ҳафтанинг chorshanba куни аҳоли билан юзма-юз учрашувлар чоғида мурожаат қилаётганларнинг аксариятини аёллар ташкил этади. Партия вакиллари уларнинг муаммоларини ўрганиб, баъзиларини шу жойнинг ўзида ҳал этишга эришмоқда. Қолганлари эса депутатларнинг тегишли ташкилотларга юборилган депутатлик сўровлари асосида ижобий ечим топмоқда. Шу ўринда депутатликка номзод этиб кўрсатилаётганлар ҳам халқ ичидида юриб, тарғибот ишларида фаол қатнашаётганлигини эътироф этиш жоиз. Муаммоларни ўрганиш жараёнида хотин-қизлар масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу орқали фуқаролар ўртасида аёллар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга эришилмоқда. Хусусан, мен ҳам депутатликка кўрсатилган номзод сифатида бу жараёнларда фаол қатнашаёман.

Юртимизда аёлларнинг юксак эътироф этилаётганлигини яқинда “Гендер тенглик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилинганлиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Унга кўра аёллар жамиятда ҳеч қандай таъйиқ ва зўравонликларга учрашига, жинсий камситилишга йўл қўйилмайди. Аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқлари таъминланиши қатъий назорат остига олинади. Уларнинг жамиятда ўз ўрнига эга бўлишлари учун кўмаклашилади. Шу ўринда олдин ҳам аёллар қарши жинс вакиллари билан тенг ҳуқуққа эга эдилар-ку, деган савол туғилиши табиий. Тўғри, шундай эди. Бироқ бу қонунлар янада кучайтирилиб, хотин-қизларга бўлган ҳар қандай босим ўтказиш, уларнинг ҳуқуқ бузилишига йўл қўйилмаслиги янада мустахкамланди.

Аёллар манфаати шу йўсинда қаттиқ ҳимоя қилинаётган жамиятда қабул қилинган мазкур қонун улар ҳар қандай кўри-нишдаги камситилиш ва таъйиқлардан холи эканлигини тасдиқлайди. Шу билан бирга, авваллари жамият ва давлат ҳаётидаги бошқарув ишларида аёлларнинг эркакларникига қараганда иштирок этиш улуши камроқ фоизни ташкил этар эди. Эндилқда аёллар эркаклар билан тенгма-тенг бошқарув ишларида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлдилар. Бу ҳам бўлса давлатимизнинг аёлларни эъзозлаб, юксак эътироф этаётганига далилдир.

Ватанимиз ривожланишлар сари олдинга қадам ташлар экан, унинг келгусида энг илгор мамлакатлар сафида бўлмоғи учун миллат бешигини тебратувчи оналарга гамхўрлик қилиш энг олий вазифалардан бирига айланмоғи даркор. Зеро, аёллари кадр топан юрт қудратли бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзодлар билан учрашувлар уларни халққа янада яқинлаштирмоқда. Шунингдек, фуқаролар ҳар бир номзоднинг сайловолди дастури тўғрисидаги маълумотларга ҳам эга бўлишмоқда.

## Номзодлар сайловчилар билан учрашмоқда

**31-ВОБКЕНТ САЙЛОВ ОКРУГИ**дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўйилган номзод Қодир Жўраев ҳудудларда бўлиб, сайловчилар билан учрашмоқда. Хусусан, тумандаги “Латифсо-бунгар”, “Косари”, “Хажувон”, “Рохжент” МФЙларида бўлган учрашувлар давомида номзод ўзининг дастури билан таништираётган экан, унинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасининг халқаро институтлар интеграциялашуви ва модернизацияси, халқаро ва минтақавий хавфсизликнинг янги тизимини шакллантириш, хусусан, ШХТ давлатларининг иқтисодий, гуманитар ва ижтимоий соҳаларида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишдан иборат эканлигини қайд этди.

Шунингдек, таълим, тиббиёт ва бошқа бир қатор соҳаларнинг ривожланиши ҳамда ходимлар фаолиятларини тақомиллаштириш масаласида ҳам ўзининг таклифлари билан ўртоқлашди. Билдирилган аниқ мақсадли фикр ва мулоҳазалари сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланди.

**26-ИБН СИНО САЙЛОВ ОКРУГИ**дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўйилган номзод Таваккал Чориев тиббиёт соҳаси вакиллари билан учрашиб, ўзининг тарғибот тадбирини олиб борди. Тадбирда дастлаб номзоднинг ишончли вакили сўзга чиқиб, номзоднинг фаолияти ҳамда сайловолди дастурида қайд этилган таклифлар билан таништириб ўтди.

Таваккал Чориев ўзининг дастурида таълим масаласига эътибор қаратгани, мамлакат илмий салоҳиятини мустахкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда илм-фаннинг ўрнини кучайтириш,



инновацион иқтисодиётга ўтиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустахкамлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилганлигини таъкидлади.

Шунингдек, номзоднинг дастурида тиббиёт тизимида фаолият олиб бораётган ёш кадрлар масаласига эътибор қаратиш лозимлиги ҳам муҳим ўрин эгаллаганлиги қайд этилди.

— Бугунги учрашув ҳар томонлама аниқ мақсад ва таклифларга бой бўлди, деб ўйлайман. Айникса, очик мулоқот тарзида ўтганлиги тиббиёт ходимлари ва ёшларнинг эркин фикр билдиришига имкон берди. Номзод дастури билан танишган сайловчилар ҳам ўзларининг таклифлари билан ўртоқлашди, — дейди номзоднинг ишончли вакили Фарход Болтаев.

Учрашув сўнггида сайловчилар томонидан берилган саволларга жавоблар қайтарилди.

**25-ШОХРУД САЙЛОВ ОКРУГИ**дан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзоди кўйилган Мақсуд Ҳамидов бевосита фуқаролар билан олиб борган очик мулоқоти давомида ўзининг сайловолди дастури билан таништириш билан бирга, уларнинг муаммоларини ҳам ўрганмоқда.

Сайловчилар билан учрашувда номзоднинг ишончли вакили у тўғрисида маълумот бериб, сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни қайд этди.

Албатта, номзод ўзининг дастурида аҳоли манфаатлари йўлида қилиниши

керак бўлган аниқ мақсад ва вазифаларнинг мавжудлиги, бу эса уларнинг фаровонлигини таъминлашда муҳим омил эканлигини таъкидлади. Хусусан, фуқароларнинг саломатлигини мустахкамлаш мақсадида номзод дастурида тиббиёт тизимида муаммоларнинг олдини олиш, кадрлар тизимини тақомиллаштириш, сифатли ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш масаласи илгари сурилган. Тиббий фаолият устидан давлат-санитария назоратини кучайтириш, дориларни врач рецетти асосида берилишини йўлга қўйиш, ижтимоий аҳамиятга эга, юқори самарали хавфсиз дори-дармон ва тиббий воситалар билан арзон нархларда таъминлаш, қалбақлаштирилган ва сифатсиз дори-дармонларнинг ноконуний айланмасига чек қўйиш номзод сайловолди дастурининг асосини ташкил этади. Шунингдек, унинг нафақат ҳаётий зарур медикаментлар айланмаси ва сифати, балки чакана савдога тушувчи барча дорилар устидан қатъий давлат ва жамоат назоратини ўрнатиш, дориларнинг ягона электрон базасини шакллантириши ва унда барча дориларнинг номи, нархи, ишлаб чиқарувчиси ва савдога чиқарувчиси, чет элдан келтирилган дори-дармонлар учун эса импорт қилувчининг маълумотларини кўрсатадиган электрон тизимни татбиқ қилиш, ҳар бир мактабда малакали тиббий хизматни жорий этиш, болаларга бепул стоматология хизмати кўрсатилишини таъминлаш масалалари юзасидан киритилган таклифлари аҳоли томонидан қўллаб-қувватланди. Номзод сайловчилар билан учрашувда “Бизнинг ҳар бир ҳаракатимиз, албатта, сиз учун! Халқ манфаатини доим устун ҳисоблаймиз, муаммоларинингизнинг ижобий ечимини топиш олдимизда турган муҳим вазифадир”, — дея алоҳида таъкидлаб ўтди.

Жойларда тарғибот учрашувлари давом этмоқда.

Сайлов аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қилар экан, ҳар бир сайловчи ўз ҳуқуқини англаган ҳолда сайловда фаол иштирок этиши лозим. Жойларда партия ходимлари ва номзодлар томонидан ўқатилаётган тарғибот тадбирларидан асосий мақсад ҳам шунда, яъни сайловчининг сиёсий фаоллигини ошириш ва дунёқарашини шакллантирган ҳолда сайловда фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир.

ADOLAT BOR JOYDA  
TARAQQIYOT BOR!



NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!

**56-РЕГИСТОН САЙЛОВ ОКРУГИ**дан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод Дилшод Ҳабибуллаевнинг “Лолазор” маҳалла фуқаролар йиғинида сайловчилар билан учрашуви самимий ва очик мулоқот тарзида ўтди. Унда маҳалла аҳли, ўқитувчи ва талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда вилоят ва шаҳар кенгаши номзодлари иштирок этишди.

Тадбирда партиянинг Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Зиёлла Дусанова сўзга чиқиб, номзоднинг дастурида илгари сурилган муҳим вазифалар, асосий йўналишларнинг туб моҳияти ҳақида сўз юритди. Сайловчилар мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг турли соҳаларига оид ўзларини қизиқтирган кўплаб саволлар билан мурожаат қилдилар. Хусусан, Самарқанд архитектура ва қурилиш институти та-

лаба ёшлари ҳамда маҳалла аҳли янги иш ўринлари яратиш, тиббий хизматни тақомиллаштириш борасидаги ҳал этилмаган муаммоларга номзоднинг муносабати билан қизиқди.

Ўз навбатида, номзод томонидан сайловчиларнинг саволларига батафсил жавоб қайтариш билан бирга, иқтисодиётдаги юксалишлар натижасини ижтимоий ҳаётни фаровонлаштиришга йўналтириш, инновацион технологияларни таълимга, қишлоқ ҳўжалигига кенг жорий этиш, сиёсий партиялар ва нодавлат ташкилотларнинг назоратчилик функциясини кучайтириш орқали муаммоларга ечим топиш мумкинлигига сайловчиларнинг эътиборини қаратди. Шунингдек, юқорида тилга олинган масалалар юзасидан номзод ўз дастурида аниқ вазифалар ўрин олганлигини қайд этди.



**9-ГАНДИМИЁН САЙЛОВ ОКРУГИ**дан халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашига кўрсатилган номзод Мансур Махмудов ҳам сайловчилар билан учрашиб, ўз сайловолди дастурининг моҳияти билан таништирди.

Партия Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, номзод ўз дастурида илгари сурилган қишлоқ қиёфасини бутунлай янгилаш, қишлоқ жойларини янги уй-жойларни

**75-“БОЁВУТ” САЙЛОВ ОКРУГИ**дан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзод Иъмомжон Қудратов ҳали депутатликка сайланмасдан туриб халқимиз манфаатлари учун хизмат қилишни бошлаб юборди. Хусусан, И.Қудратов ташаббус билан Боёвут тумани аҳолисига қўлайликлар яратиш мақсадида яқинда Хитой Халқ Республикасидан келтирилган,

барча замонавий қўлайликларга эга “Ютонг” автобуслари Гулистон — Боёвут йўналишида қатнай бошлади. Бу яратилган шароитдан Боёвут туман аҳолиси беҳад қувонмоқда.

— Боёвут билан Гулистон шаҳри оралиғи 45 километр масофани ташкил этади. Асосан бозор-ўчар қилиш учун, қолаверса, иш юзасидан туманимиз аҳолиси вилоят марказига қатнайди.

Депутатликка номзод Иъмомжон Қудратовнинг ёрдами туфайли энг сўнгги русумдаги замонавий автобуслар келтирилиб, уларнинг қатнови йўлга қўйилгани худудимиз аҳолиси учун жуда катта қўлайлик бўлди. Биз бундан жуда мамнунмиз. Унинг номзодини сайловда, албатта, қўллаб-қувватлаймиз, — дейди фуқаро Ҳилола Абдурахмонова.



**5-СИРДАРЁ САЙЛОВ ОКРУГИ**дан халқ депутатлари Янгийр шаҳар Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзод Тойир Самиев шаҳардаги 4-сонли МТМда, Ховос туман Кенгаши депутатлигига 34-Гулбахор сайлов округидан кўрсатилган номзод Элвира Ибрагимова тумандаги 6-умумтаълим мактабида, шунингдек, Гулистон туман Кенгаши депутатлигига 4-Олтин водий сайлов округидан кўрсатилган номзод Убайдулла Абдуллаев, 47-Кўнчи сайлов округидан кўрсатилган номзод Тожихон Ғаффарова, 29-Сайқал сайлов округидан вилоят Кенгаши депутатлигига кўрсатилган номзод Дилфуза Умировалар ўзларининг сайловолди дастурлари билан сайловчиларни таништиришди. Тадбир қатнашчилари бугун-

ги куннинг энг долзарб ва муҳим масалаларини илгари сураётган сайловолди дастурларини маълумлашмоқда.

— Гулистон туманида бўлиб ўтган сайловолди тарғибот учрашувида номзод Ўзбекистон “Адолат” СДПдан кўрсатилган Тожихон Ғаффаровани маҳалламиз билан яхши таниймиз. Дарҳақиқат, унинг халқ олдида амалга ошириб келаётган эзгу ишларини таҳсинга сазовор, деб баҳолаш ўринли. Агар Тожихон Ғаффарова депутат этиб сайланганидан бўлса, ўзига билдирилган ишончли тўла оқлашига аминман. Шу сабабдан ҳам мен бу номзодни сайловда қўллаб-қувватламоқчиман, — деди 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Озоджон Миртожиёв. Учрашувлар давом этмоқда.

куриш, ижтимоий ва коммунал объектларни бунёд этиш, коммуникацияни ривожлантириш, йўл инфратузилмасини таъмирлаш ва реконструкция қилиш, қишлоқ аҳлининг турмуш даражаси ва маданиятини ошириш бўйича ишларни давом эттириш устувор вазифаси эканлигини таъкидлади.

Мансур Махмудов ҳар бир инсон ҳаёти фаровонлигининг гарови бўлмиш тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар тотувлиги, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни мустахкамлаш, мувозанатли, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсат олиб боришга муносиб ҳисса қўшиш

ҳамда фуқароларнинг, айникса, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, фуқароларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш каби масалалар ҳам устувор мақсадларидан бири экани тўғрисида алоҳида тўхталди.

# Номзодлар сайловчилар билан учрашмоқда

**128-НИШОН САЙЛОВ ОКРУГИ**дан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзод Абдугани Умировнинг Нишон туманидаги «Пахтаобод» МФЙда сайловчилар билан учрашуви савол-жавобларга бой тарзда кечди. Учрашувда дастлаб ишончли вакил Шахло Турсунова номзоднинг таржимаи ҳоли ва дастури билан иштирокчиларни таништириб ўтди. Шундан сўнг номзод сайловчилар олдида партиянинг Сайловолди дастури ва ўзининг келажақтаги режалари хусусида сўзлаб берди.

Нотиқ иқтисодий ривожлантириш учун партиямиз Сайловолди дастурида алоҳида қайд этилганидек, ишлаб чиқаришга инновацияни татбиқ этиш тараққиёт гарови эканлигини таъкидлади. Шундан сўнг номзодга сайловчилар ўзларини қизиқтирган бир қатор саволлар билан мунозабат қилдилар.

— Мактаб ва боғчаларда иситиш тар-

моқлари мавжуд, — деди 31-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Малоҳат Бердиева. — Бироқ хоналарнинг ҳаммаси бир хил исмайди. Бунинг устига хоналарни иситиш мақсадида таълим-тарбия масканларига берилмаётган кўмир ўта сифатсиз...

Шундан сўнг номзод фуқаролар томонидан билдирилган барча таклиф ва муаммоларни тегишли ташкилотлар ҳамкорлигида ижобий ҳал этиш учун ўрганишлар олиб боришини маълум қилди.

Шунингдек, номзоднинг Нишон туманидаги «Оқ олтин» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси билан учрашуви ҳам фойдали бўлди. Мулоқотда номзод ўз дастури мазмун-моҳияти, истиқболдаги режалари билан иштирокчиларни таништирди. Маданият саройида бўлиб ўтган жонли мулоқотда фуқаро Баҳоидир Эгамбердиев ёрдам сўради.

— Худудимиздаги мактабда 2 нафар рус тили, 2 нафар информатика ва 2 нафар

математика ўқитувчиси етишмайди, — деди Баҳоидир Эгамбердиев. — Агар илож бўлса ўз маҳалламиздан иқтидорли ўқувчиларнинг олий ўқув юртиларига имтиёзли равишда киришига ёрдам беришингизни сўраймиз. Шунингдек, учрашувда ҚВП муdiri Нурмаҳмат Назаров ҳам иситиш тизими талабга жавоб бермаётгани, тоза ичимлик суви қимматлашиб кетгани ҳақида тўхтади.

Абдугани Умиров шу кун «Юксалиш», «Пахтазор», «Байналминал», «Самарқанд», Қарши туманидаги «Қовчин» МФЙ сайловчилари билан ҳам учрашув ўтказди.

Номзод сайловчилар билан самимий мулоқотларда ўзининг ва партиянинг Сайловолди дастуридан кенг жамоатчиликни воқиф этмоқда. У сайловчиларнинг муаммоларини ҳал қилиш мақсадида ўз таклифларини илгартириб бермоқда. Ўз навбатида, сайловчилар ҳам номзодга катта ишонч билдиришмоқда.

# Биринчи марта овоз бераман



Меҳринисо ХОЛМИРЗАЕВА,  
“Ёш адолатчилар” қаноти фаоли


— Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси биз, ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигимизни ошириш учун улкан ишларни амалга ошириб келмоқда. Партиянинг Сайловолди дастурида ҳам ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Айниқса, менга дастурда ҳар бир ёшнинг олий маълумот олиш ҳуқуқи кафолатланаётгани, қолаверса, контракт тўлов асосида ўқимокчи бўлган талабалар имтиҳонларсиз олий ўқув юртиларига қабул қилиниши илгари сурилатгани маъқул бўлди. Шунингдек, партия фаолларининг биз, ёшлар коррупцияга қарши муроғасиз бўлишимиз учун кенг қамровли тушунтириш ишларини олиб бораётгани айни мудиридир.

Партия Сайловолди дастурида ўсиб келаётган ёш авлодни соғлом тарбиялаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида тиббиёт хоналарини ташкил этиш, тиббий хизматни янада яхшилаш, “Соғлом болалик” лойиҳасини ишлаб чиқиш борасида устувор вазифалар белгиланган. Булар менга жуда маъқул бўлди.

Мен бу йил биринчи марта сайловда қатнашаётганимдан ниҳоятда хурсандман. Шунингдек, таъкидлашим керакки, овоз ва обод юртимизнинг келажаги янада ёрқинроқ бўлиши, бундан ҳам тўллаб-йўшаши учун барча тенгдошларимни “Адолат” социал-демократик партиясининг муносиб номзодлари учун овоз беришга даъват этаман.

— Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган сиёсий партияларнинг дастурлари билан танишиб чиқдим. Бешта сиёсий партиянинг ҳам Сайловолди дастурлари ва ўз олдиларига қўйган мақсадлари улкан эканлигини англадим. Лекин менга Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг танлаган йўли ёқди.



Зафар ОСТОНОВ,  
Қарши муҳандислик-иқтисодий институтининг  
1-босқич талабаси

Ўн саккиз ёшга кирдим. Бу йил Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтаётган сайловда биринчи бор иштирок этаман.

Жамият маънафати, юртимиз тараққиётига молик муҳим масалалар муҳокама этилаётганда депутатларимизнинг фаоллиги, журъати, адолатпарварлиги ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Шунинг учун бўлажак сайловда ўз фикрга, сиёсий етуқликка эга бўлган халқчил, дадил, адолатпарвар номзодлар учун овоз бераман. Албатта, бундай номзодлар “Адолат” социал-демократик партияси сафида кўнчилишни ташкил этади. Улар учун овоз берсам янглишмайман, деб ўйлайман. Тенгдошларимни ҳам улар учун овоз беришга чиқираман.

Мўйноқ туманида «Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш — давр талаби!» шиори остида маданий-кўнгилочар акция ўтказилди. Ушбу акция Ўзбекистон “Адолат” СДП Сайловолди дастурининг гоя ва мақсадларини омма орасида кенг тарғиб қилишга қаратилди.

Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, туман ва шаҳар кенгаши ходимлари, маҳаллий Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига қўйилган номзодлар, партия фаоллари ҳамда кўнгилилар иштирок этишди.



Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, туман ва шаҳар кенгаши ходимлари, маҳаллий Кенгаши депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлигига қўйилган номзодлар, партия фаоллари ҳамда кўнгилилар иштирок этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар бу йилги сайловлар арафасида олға сурилатган энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтишди. Жумладан, партия жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ва дори-дармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш, тиббиёт йўналишидаги таълимий ишларни ислоҳ қилиш, мазкур соҳалардаги норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш масалалари-

Орол сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган Нурлыбай Қайбергеновнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда туман аҳолиси, яъни маҳаллаларда истиқомат қилувчи турли ёшдаги сайловчилар қатнашиб, номзоднинг дастурида баён этилган асосий йўналишлар билан яқиндан танишдилар.

Учрашув якунида иштирокчилар партиянинг ва номзодларнинг сайловолди дастурларида илгари сурилган лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилса, анча муаммолар ўз-ўзидан ечимини топишини таъкидлашди.

Эстрада хонандаларининг чиқишлари иштирокчиларга бирдек манзур бўлди. Санъаткорлар ижросидаги шўх куй ва қўшиқлар қатнашчиларни рақсга чорлади. Мўйноқликлар сайловолди тадбирларини ана шундай кўтаринкилик билан ўтказмоқдалар.

Бухоро, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм, Қашқадарё вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизматлари билан ҳамкорликда тайёрланди

## “ADOLAT” ШАРҲИ

Дунёда энг муҳим демократик жараёнлардан бири, шубҳасиз, бу сайловлардир. Ўтказилаётган ҳар бир сайлов жамият ҳаётининг эртасини белгилаб беришда бекиёс ўрин тутаяди. Чунки эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини демократик сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат ва ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфияти яққол намоён бўлади.

# Сайлов жараёнида овоз беришни

## ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Сайлов ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, бир нечта муҳим босқичлардан иборатдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш, сайлов округлари ва участкаларини тўзиш, сайловчиларнинг рўйхатларини шакллантириш, сайлов компанияси бошлангалигини эълон қилиш ва сиёсий партиялар томонидан номзодларни кўрсатиш, сайловолди ташвиқоти каби жараёнлар шулар жумласидандир.

Бироқ сайловларда овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш алоҳида аҳамият касб этади. Негаки, ушбу ҳолат сайлов натижаларига бевосита таъсир кўрсатиб, унинг адолатли ва шаффофлигини таъминлаш борасидаги энг муҳим жараён ҳисобланади.

2019 йилнинг 26 июнь кунини қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексининг** кўпқабл муҳим масалаларини сингари сайловда овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш жараёни ҳам Кодекснинг 10-бобида баътафсил белгиланди.

Сайлов кодексининг 49-моддасига мувофиқ, овоз бериш билан бир қаторда, овоз бериш учун етарли миқдорда кабинетлар ёки хоналар жиҳозлани-

ши, сайлов бюллетенларини бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов кутилари ўрнатилиши керак.

Амалдаги қонунчиликка кўра, давлат органлари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туриши шарт. Лозим бўлган даражада жиҳозланган овоз бериш бинолари сайлов комиссиялари билан бир кун олдин тақдим этилиши керак.

Сайлов кодексининг 51-моддасига мувофиқ, овоз бериш учун сайлов кунини соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади. Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловолди камидан ўн кун олдин хабардор қилади. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурда, ҳарбий қисмларда, санаторийларда, дам олиш уйларида, касалхоналар ва бошқа стационар давонаш муассасаларида, олис ва бориш қийин бўлган ҳудудлардаги фуқаролар турган жойларда, қамқода сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган сайлов участкаларида участка сайлов комиссияси, агар рўйхатга киритилган барча фу-

қаролар овоз бериб бўлган бўлса, овоз бериш тугаганлигини исталган вақтда эълон қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган сайлов участкаларида сайлов кутиларини соат 20.00 дан олдин очиш ва овозларни санаб чиқишга йўл қўйилмайди.

Сайлов жараёнида сайловчининг шахсини аниқлаш ва “**бир фуқаро — бир овоз**” тамойили асосида овоз беришни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, уни яширин овоз бериш кабинетида ёки хонасида тўлдирди. Сайлов бюллетенини тўлдирди чоғида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг хозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдирди имкониятига эга

сакланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди. Бунда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари хозир бўлиши мумкин.

Ушбу норма сайловга доир халқаро стандартларнинг миллий қонунчилигимизда ифода этилаётганлигидан далолатдир. Хусусан, “**Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт**”нинг 25-моддасига мувофиқ, ҳар бир фуқаро ҳеч бир камситиларсиз ва асосланмаган чеклашларсиз:

а) ҳам бевосита, ҳам эркин сайланган вакиллар орқали давлат ишларини бошқаришда қатнашиш;

б) ялли ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида, яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган сайловларда овоз бериш ва сайланиш бора-бор ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлиши лозим.

1994 йилги “Эркин ва адолатли сайловлар принциплари тўғрисидаги Париж декларациясининг 2-банди 1-хатбосида” “Хар бир вояга етган фуқаро сайловда ҳеч қандай камситиларсиз овоз бериш ҳуқуқига эга” эканлиги қайд этилган.

Хар бир фуқаронинг сайлов жараёнларида иштирок этишини таъминлаш мақсадида сайлов қонунчилигимизда бир қатор демократик нормалар назарда тутилган. Хусусан, сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчига мuddатидан олдин овоз бериш имконияти яратиб берилади.

Мuddатидан олдин овоз бериш нима дегани? Сайлов кодексининг 57-моддасига кўра, мuddатидан олдин овоз бериш сайловга **ўн кун қолганида бошланади** ва **сайловга уч кун қолганида тугаланади**. Мuddатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти тегишли округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Хар бир фуқаронинг сайлов жараёнларида иштирок этишини таъминлаш мақсадида сайлов қонунчилигимизда бир қатор демократик нормалар назарда тутилган. Хусусан, сайлов кунини ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчига мuddатидан олдин овоз бериш имконияти яратиб берилади.

Мuddатидан олдин овоз бериш нима дегани? Сайлов кодексининг 57-моддасига кўра, мuddатидан олдин овоз бериш сайловга **ўн кун қолганида бошланади** ва **сайловга уч кун қолганида тугаланади**. Мuddатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти тегишли округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Сайловчи тўлдирган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради, конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг сейфидида сақланади. Конвертнинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри ва овоз берувчининг имзоси билан тасдиқланади.

Кўпқабл хорижий давлатлар, хусусан, **Австралия, АҚШ, Канада, Финландия, Ирландия, Норвегия, Беларусь, Украина, Россия, Германия, Швеция ва Швейцария** каби давлатларда ўтказиладиган сайловларда мuddатидан олдин овоз беришга рухсат берилади.

Овоз бериш тугагач, участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари овоз бериш тугаганлигини комиссиянинг барча аъзолари, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари хозирлигида эълон қилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссиясининг мажлисида кўриб чиқилади ҳамда раис, раис ўринбосари, котиб, сайлов комиссиясининг бошқа аъзолари томонидан имзоланадиган баённомага кириштилади. Шундан сўнг баённома участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб

чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат мuddатга дарҳол осиб қўйилади.

Сайлов кодексига мувофиқ, сайлов комиссиялари сайлов кампаниясини ўтказиш даврида жисмоний ва юридик шахсларнинг Сайлов кодекс талаблари бузилганлиги ёки сайловни ташкил этишнинг бошқа масалалари хусусида ўзига келиб тушган мурожаатларини ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиши, ушбу мурожаатлар бўйича текширувлар ўтказиши ва уч кунлик мuddатда уларга ёзма жавоблар бериши, сайловга камида олти кун қолганида ёки овоз бериш кунини келиб тушган мурожаатларни эса дарҳол кўриб чиқиб, жавоб қайтариши шарт.

Шу билан бирга, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар органлари, депутатликка номзодлар, ишончли вакиллар, кузатувчилар ва сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин ўн кун ичида юқори турувчи сайлов комиссиясига ёки судга шикоят қилиши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга камида олти кун қолганида эса дарҳол кўриб чиқилиши керак. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, хозирда халқимиз муҳим сиёсий жараён арафасида турибди. “Янги сайловлар — янги Ўзбекистон!” шиори остида бўлиб ўтаётган мазкур сиёсий жараённинг адолатли ва шаффоф тарзда ўтиши, унда ватанпарвар, ўз соҳасининг чинакам фидойилари халқ томонидан эътироф этилишига ишонамиз.

**Илёс ШАЙМАРДАНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти бўлим бошлиғи

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлаш ҳамда одил судловга эришиш даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Утган давр мобайнида суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш, судьяларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тартибни такомиллаштириш, ҳар бир иш бўйича қонуний, асосланган ва адолатли суд қарори чиқарилишини таъминлашга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилди ва тизимда ислоҳотлар давом этмоқда.

Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари

Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида жорий йилнинг 6 январь кунини давлатимиз раҳбарининг "Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Мазкур қарор билан судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг янги тизими жорий этилди ва мазкур тизимнинг асосий вазифалари сифатида қуйидагилар белгиланди:

Биринчидан, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишнинг янги тизимини шакллантириш;
Иккинчидан, судьялик лавозимларига номзодларга назарий билимлар, касбий этика, психология, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмалари, музокара олиб бериш тактикаси, ахборот билан ишлаш технологияси, ҳуқуқ нормаларига шарҳ бериш ва қўллашни ривожлантириш;

Учинчидан, судьялик лавозимларига номзодлар стажировка ўташининг сифат жиҳатдан янги тизимини ташкил этиш, шу жумладан илмий-тадқиқот фаолияти ва ўқув жараёни билан узвий боғлиқлигини таъминлаш;

Тўртинчидан, иш юритиш ва танқидий таҳлил қилиш, инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда асосланган қарорлар қабул қилиш кўникмаларини ривожлантирадиган интерфаол ўқитиш услубларини таълим жараёнига жорий этиш;

Бешинчидан, судьялик лавозимларига номзодларни қонунчиликдаги долзарб янгиликлар, мамлакатимиз ва хориждаги ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда норма ижодкорлиги фаолияти ҳолати ва тенденциялари билан таништириш.

Юқорида кайд этилган вазифалар сифатида ва ўз вақтида тўлиқ бажарилиши учун Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Одил судлов муаммоларини ўрганиш тадқиқот маркази негизда судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни

амалга оширувчи давлат таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ташкил этилди.

Қарорга мувофиқ, Судьялар олий мактабида судьялик лавозимларига номзодларни судьялик фаолиятини амалга ошириш ва судлар ишини ташкил этиш, касбий этика, ишчанлик мулоқоти ва вақтни бошқариш кўникмаларини ўқитишга, илмий-таҳлил ва креатив салоҳиятини шакллантиришга қаратилган бир йиллик магистратура таълим дастури бўйича тайёрлаш жорий этилди. Судьялар олий мактаби магистратурасига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан биргаликда белгиланадиган квоталар бўйича судьялик лавозимлари захирасида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танловдан муваффақиятли ўтганда сўнг қабул қилинади. Магистратурага қабул қилинган тингловчилар асосий иш жойи бўйича лавозимдан овоз этилади ва уларга судья ёрдамчисининг бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди миқдорига стипендия тўланади. Магистратурага тингловчилар грант асосида қабул қилинади ва магистратура тингловчилари асосий иш жойи бўйича лавозимдан овоз этилганда, эгаллаган лавозими бутун ўқиш даври мобайнида сақланади.

Алоҳида кайд этиш керак, судьялик лавозимларига 2020 йил 1 сентябрдан бошлаб фақат судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш курсларида ўқишни муваффақиятли тамомлаган шахслар тайинланади ва унга ҳақ бўлган даврда судьяларни дастлабки муддатга тайинлашнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинади.

Қарорга мувофиқ, Судьялар олий мактабининг устави, тузилмаси ва бошқарув органлари белгиланди. Хусусан, Судьялар олий мактабига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раисининг тақдимномасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан овоз этиладиган директор раҳбарлик қилади ва Судьялар олий мактаби директори лавозими бўйича бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг жамоатчилик асосидаги аъзоси ҳисобланади.

Судьялар олий мактабининг махсус унвонлар ва мансаб даражаларига эга бўлган ходимларига Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши раиси томонидан белгиланган тартибда махсус унвонлар ва мансаб да-

ражалари берилиши белгиланди, шунингдек, Судьялар олий мактабига ишга жалб қилинган ва малака даражаларига эга бўлган судьялар ва уларга тенглаштирилган шахсларда судья мақоми сақлаб қолинади ҳамда судьялар ва уларга тенглаштирилган шахслар орасидан ишга қабул қилинган ходимларнинг Судьялар олий мактабиде ишлаган вақти судьялик стажига қўшилади. Шунингдек, Судьялар олий мактаби профессор-ўқитувчиларига Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари татбиқ этилиши белгиланди.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кафолатли ҳимоя қиладиган мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш йўлида тарихий ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Утган қисқа даврда судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, суд кадрларини танлаб олишнинг демократик ва шаффоф механизми шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Олий суд ва Олий ҳужалик суди фуқаролик, жинсий, маъмурий ва иқтисодий суд иш юритиш соҳасида суд ҳокимиятининг ягона олий органи — Ўзбекистон Республикаси Олий судига бирлаштирилиб, биринчи марта Олий суд маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарларда 207 та маъмурий суд ташкил этилди.

Шунингдек, 85 та иқтисодий суд фаолияти йўлга қўйилди. Бундан қўзланган мақсад, албатта, тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишдир.

Суд ҳокимиятининг мустақиллиги принципига риоя қилиш, судларни моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш масалаларини мустақил ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузурида Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти ташкил этилди.

Мухтасар қилиб айтганда, малакали судьяларни тайёрлашнинг янги тизими жорий этилиши жамиятимизда адолат барқарорлиги ва қонун устуворлигига эришишда судья ва суд ходимлари зиммасига юклатилган вазифаларни ўз вақтида тўлиқ ва сифатли бажарилишига ҳамда одил судловни юқори даражага кўтаришга хизмат қилади.

Наргиза КАСИМОВА,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг судьяси

МИБнинг ижро дафтари ким назорат қилади?

Ўки Пастдарғомда суднинг ҳал қилув қарори асосидаги қонун талаблари нега бажарилмаганлиги хусусида

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг Пастдарғом тумани бўлимида рўй берган ва хали-гача ўз қонуний яқинини топалмаётган бир воқеа фикримизга далил бўла олади. Самарқанддаги "Парвиз проект сервис" хусусий корхонаси раҳбари давogar А.Боқиев Пастдарғом туман иқтисодий судининг жавобгар "Охун" хусусий корхонасига нисбатан 2018 йилнинг 6 ноябрда чиқарган ҳал қилув қарорининг ижросини таъминлашни сўраб, бир йил-у бир ойдан буён Мажбурий ижро бюросига қатнаши наф бермапти. Нега?

МИБ туман бўлимининг давлат ижродаси (ҳозирда собиқ) Бобошер Раззоқов шунча вақт даъвогарнинг қонуний талабларига панжа ортидан қараб, ижронини ортага суриб қолверди. Қизиғи шундаки, даъвогар суднинг ҳал қилув қарорини бир йил-у бир ой муқаддам мазкур бўлимига тақдим этган бўлишига қарамай, ижро варақаси қарийб 6 ой МИБнинг темир галандариде чанг босиб, ҳаракатсиз қолиб кетаверган. Фақат даъвогарнинг Мажбурий ижро бюроси Самарқанд вилоят бошқармасига қайта-қайта мурожаатларидан сўнг МИБнинг туман бўлими ушбу ижро варақасини 2019 йил 15 апрель санаси билан ҳаракатга келтириш ҳақида қарор чиқарган.

Ижро варақасини ўз иш юритишига қабул қилган МИБ туман бўлимининг даъвогар сифатидаги мурожаатларига бир йилдан буён раъий жавоб қайтаргани йўқ, — дейди "Парвиз проект сервис" раҳбари. — Мажбурий ижро бюросининг Самарқанд вилоят бошқармасидаги жаноблар эса такрор-такрор ариза-шикоятларимни ўқиб, ҳар гал мени тинчлантириш ёки юқори турувчи ташкилотларга мурожаат қилиш ҳуқуқим борлигини эслатишдан нарига ўтишмаяпти. Агар электр ёки бошқа коммунал хизматлар тўловидан қарздорлик сезилса, МИБ ходимлари шамодек учиб келишди ва унинг ижросини эшигидан нари кетишмайди-ю тадбиркорнинг қарзини ундириб беришни эса нега йиллаб чўзишди?

Журналист суриштируви давомида вазиятга аниқлик киритиш учун Мажбурий ижро бюросининг Пастдарғом туман бўлимида бўлиб, МИБ раҳбари ва мутахассислари билан суҳбатлашдик.

— Мазкур ижро варақаси бўйича иш олиб борган давлат ижросини Бобошер Раззоқов ҳозир ўз вазифасидан бўшаб кетган, — деди МИБ раҳ-

бари Тўлқин Жуманазаров ходимнинг нега ўз лавозимидан овоз этилганлигини изоҳламай. — Ижро билан 10 ноябрдан бошлаб давлат ижросини Шоҳруҳ Холмуродов шуғулланапти. Биласизми, асли ишимиз қийин, жанжалли бўлгани боис ходимлардан интизом, масъулият талаб қилишимиз ҳам бир қадар оғир кечапти. Каттиқроқ гапирсангиз, дарров бўшаҳ ҳақида ариза кўтариб келишади.

— Муддат ўтиб кетаётган, такрор мурожаатларга сабаб бўлаётган ижро ишлари-чи? — деб сўраймиз МИБ раҳбаридан.

— Тўғри, иш юритувимизда кечикаётган ижро варақаси фақат "Парвиз проект сервис"ники эмас, — дейди Т.Жуманазаров. — Ижро муддатлари ортага сурилишига сабаб бўлаётган қўлгина ҳолатлар бор-ки, улардан кўз юмиб бўлмайдим.

— Бу фикрга қўшиламан, — дейди МИБнинг давлат ижросини Шоҳруҳ Холмуродов. — Хусусан суднинг ҳал қилув қарори асосида "Парвиз проект сервис"га тайёрланган лойиҳа учун 33 миллион 586 минг 643,9 сўм тўловни ўтказиши лозим бўлган "Охун" хусусий корхонасининг солиқдан 80 миллион сўм қарзи бор ва Бюронинг туман бўлими иш юритишига киритилган.

Башарти жавобгар биринчи галда солиқ идораси билан ҳисоб-китоб қилса, шундан кейин бошқа даъвогарлар билан орани очиб қилиши мумкин.

Ана энди гап нимадалигини фаҳмлаб етган бўлсангиз керак. МИБ электр ҳақини ундиришга етган ваколлати фуқаронинг маблағини тўлатиб беришга етмайганлигини баҳолаб қилиб кўрсатди. Давлат ижросилари гап-сўздан нари ўтишмайди, улар билан бемалол келишиб кетавераман, деб ўйлаган тадбиркор эса қарз ботқоғига ботишини била туриб,

қўлида думалоқ муҳри билан ҳар сафар жавобгарликдан чўчимай шерикларни чув тушуриб юрaverади. "Охун" хусусий корхонаси бошлиғи М.Бойбеков бугун солиқ идорасига ҳам, Мажбурий ижро бўлимига ҳам тадбиркорлик даъволарини пеш қилишдан чарчамайпти. Эмишки, у балиқчиликни ривожлантириш, халқни арзон парhez гўшт билан сийлаш, янги инкубаторийлар очини бизнес режасига киритган...

Лекин рости ёлгондан, ҳалол изланишни сохта ташаббусдан ким афариб олади? Қонун бу вазиятда қандай йўл тутиши керак? Қонун ижросчилари-чи? Давлат ижросчиларининг вазифага совуққонликларига, фуқаро мурожаатига беписандлик билан қарашлари, давлат идораси фаолиятида очик-ошкораликка амал қилиш зарурлигини унутиб қўйишлари фуқароларда қонунларга ишончини сусайтирмайдими? Мажбурий ижро бюросининг туман бўлими бошлиғи Т.Жуманазаров бўлим ходимларидан ҳар бир ижронинг аниқ вақти, муддатини талаб этиш ўрнига улар билан мурожаатга мадора қилишга мойил эканлигини яширмайди. Бундай муносабатни кўрган даъвогар ёрдам сўраб яна қайси эшикка бош суқсин!

МИБ Пастдарғом туман бўлимида тадбиркорларнинг, жисмоний ва юридик шахсларнинг ўнлаб қонуний мурожаатлари шу тарихга ўз ечимини топмай келяпти. Ёки фуқарога қўрилатган чора-тадбирлар ҳақидаги жавоб хати ўз вақтида етиб бормапти. Ижро интизими ва механизми назоратдан четда қоляпти. Пастдарғом туман прокуратурасидегилар бу ҳолга тегишли ҳуқуқий баҳо беришармикан?!

Зоҳир ТўРАҚУЛОВ,
"Adolat" мухбири

PS/ Газета саҳифаланаётганда Мажбурий ижро

бюросининг Пастдарғом туман бўлимида бизга қўнғироқ қилиб, қуйидаги маълумотни етказишди:

Тахририят аралашувидан сўнг МИБнинг давлат ижросини Шоҳруҳ Холмуродов бошчилигидаги ходимлар жавобгар — "Охун" хусусий корхонасига қарашли мол-мулкларни қайта кўздан кечириб, кимошди савдоси орқали сотувга қўйиладиган турар-жой бинолари борлигини аниқлаб, рўйхатга олган. Ушбу объектлар МИБ орқали сотувга қўйилгач, даъвогарлар, хусусан, "Парвиз проект сервис" корхонасининг қарзини ундириб бериш имконияти пайдо бўлади.

Демак, мавзуга яна қайтамыз.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

Ҳар бир касбнинг ўз масъулияти бор. Уни чуқур ҳис қилган одам асло ўз бурчига хиёнат қилмайди. Кимки ўз хизмат ваколатини суиистеъмол қилса, албатта қонун олдида жавоб беради.
Ҳақсизликка дуч келганда дарҳол ички ишлар ва суд-ҳуқуқ тизими ходимларига мурожаат қиламиз, улардан нажот сўраймиз. Ҳақиқат тикланса-ку хўп-хўп, аммо нажоткорнинг ўзи қонун посбони формасини кийган жиноятчи бўлса-чи?
Унда дардингни кимга айтсан? Юртошимиз Сабина (мақоладаги барча исм-фамилиялар ўзгартирилган — тахририят.) шундай муаммога дуч келди.

КАТТА ИНСПЕКТОРНИНГ «КАРОВАТИ»

Жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 2017 йил 20 ноябрдаги ажрими билан маҳкума Сабина Икромованин овозлиқдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмай қолган 3 йилу 3 ойдан зиёددроғи овозлиқ чеклаш жазосига ўзгартирилади. С.Икромова ҳисобда туриш мақсадида Яшнобод туман ИО ФМБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини мувофиқлаштириш бўлими Овозлиқдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишини назорат қилиш гуруҳига келади ва катта инспектор Умрзоқ Базаров у билан суҳбат ўтказди. Суҳбат жараёнида катта инспек-

тор унинг оиласи, ҳаёти ва қамалиш сабаблари ҳақида сўради. Шу-шу маҳкума билан муносабатлари яхшилана боради. Қўнғироқ қилиб, туғилган кун ва байрам муносабати билан кўришиб, бирга нишонлаш таклифини беради. Кечки пайт Яшнобод туманининг Паркент бозори яқинида жойлашган "Арқадий" кафесида ўтирар эканлар, у ўз ҳаёти ҳақида, 5 нафар қизи борлиги, оиласида фақат ўзи ишласи, иши оғирлиги, иқтисодий жиҳатдан анча қийналиб қолганлиги тўғрисида гапирди.
Сабина инспекторнинг ҳар ойнинг 5, 15 ва 25-саналарида инспекцияга назоратдан ўтиш

да катта инспектор ўзининг овозлиқ чеклаш жазосини ўтаётганларни назорат қилишнинг ва асос етарли бўлса, уларга нисбатан чекловларни бекор қилиш ёки енгиллатиш ҳақида судга тақдимнома киритиш ваколлатига эгаллигини (ҳолбуки, С.Икромованин соғлиги ёмонлашиб шифохонада даволангани ва бу имтиёзга эгаллигини билса ҳам), 5 минг АҚШ доллари берса, жазонинг қолган қисмининг енгиллатишга ёрдам бера олишини, кейин хоҳлаган давлатга чиқиб келиши мумкинлигини айтади. Мақсадига эришолмагандан кейин эса: "Мен бу сумман яримга, яъни 2500 АҚШ долларига тушира оламан", деб яна тамагирик қилади.

Ҳар гал рўйхатдан ўтиш учун келганида инспектор пул сўрай-верганидан безор бўлган Сабина маҳкумани назорат қилган катта инспектор нотаниш кишининг ёнида ўзини назорат қила олар, деган ўйда таниши билан бирга кела бошлайди. Шунда катта инспектор бинони таъмирлаш ишлари учун 1 миллион сўм сўрайди. Сабина бунлиқни чеклаш жазоси тўқсинлик қилаётганлиги, ўзини овозлиқ чеклаш жазосидаги рўйхатдан олиб ташлашга ёрдам беришни сўрайди. Шун-

да катта инспектор бориб, 10 туп арча қўчатини олиб келиб беради. Аммо шу билан "қийналган" инспекторнинг идаоси тугамайди, Сабина ҳар гал назоратдан ўтиш учун келганида "Пул опкелдингизми?", "Қачон опкеласиз?", "Болаларининг мактаб бозорига 300 АҚШ долларин беринг!" дея тамагирик қилаверади.

Ҳар бир нарсанинғ ниҳояси, сарҳади, чек-чегараси бор, ҳатто сабрнинг ҳам! Бир томчи сув ҳам тўлиб турган сабр қасасининг тошиб кетишига сабаб бўлади. Яна қамалишдан кўриқиб, катта инспекторни турли жойларда овқатлантиришдан, тинимсиз тамагириликдан чарчаган, руҳий изтиробга тушган маҳкума ниҳоят буларнинг барчасига чек қўйиш лозимлигини англайди ва бундай ҳолатга қарши курашишга қарор қилади. У Тошкент шаҳар ДХХ бошқармасига мурожаат қилади ва Бош прокуратура ҳузуридаги ИЖКК департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари ташкил этадиган тадбирда иштирок этишга розилик беради: Департамент бошқармаси махсус фондидан 25 дона 100 АҚШ доллари купюрасидега жами 2 минг 500 АҚШ долларининг пастки ва устки қисмидаги 2 та 100 АҚШ доллар-

дага махсус қаламда "ПОПА" сўзини ёзиб, сўнг махсус кукун билан ишлов берилади. С.Икромова мазкур 2 минг 500 АҚШ доллари ва овоз ёзиш мосламасини олгач, У.Базаров билан телефон орқали учрашишга келишиб, соат 12.10лар чамаси Яшнобод тумани, Чигил кўчаси, 4-уйда жойлашган Яшнобод туман ИО ФМБнинг овозлиқдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш инспекциясига келади. Уни деразадан кўрган катта инспектор маҳкумани хонага бошлади. Катта инспекторнинг "Олиб келдингизми?" деган саволига хонанда таъмирлаш ишлари бўлаётганлиги сабабли одам кўплицадан "чўчиган" С.Икромова "Шу ердими?" дея саволга савол билан жавоб қайтаради. Катта инспектор эса хотиржамлик билан "Бераверинг, буларнинг ҳаммаси ўзимизники", дея маҳкумани ичкари хонага бошлаб кириб, унинг "Пулларни ҳозир бозорда айирбошладим, санаб ҳам кўрмадим", дегани учун бирма-бир санаб олиб, тўғриликни, ҳақиқатдан ҳам 2500 АҚШ доллари эканлигини тасдиқлайди. Сабинанин "Пул тўғри бўлса, иш қачон хал бўлади?" деган саволига эса уч ойларда хал бўлишини айтади. Катта инспектор маҳкумани к-

затишга чиқадио тезкор ходимлар ва холисларга дуч келиб, ҳаммасини тушунади. Эҳтимол, ўша лаҳзаларда "боқишга қийналаётган" отасидан фахрланадиган 5 нафар қиз бир-бир кўз олдида утган бўлса, уларнинг кимнинг қўлига қараб қолиши ҳақида ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Аммо, афсуски, вақтни ортага қайтариб бўлмайди.
Эндигина 41 ёшни қаршилаган, ҳали юртодошларидан, фарзандларидан кўрадиган эҳтиромли, кўша-кўша тўйларни, яхши кунларни олдида бўлган Умрзоқ Базаровнинг бу ахволга тушишига нима сабаб бўлди? масъулият лавозимда ишлаётган катта инспектор халқ ва давлат ишончини суиистеъмол қилиб, эвазига 5 йилу 1 ой овозлиқдан маҳрум қилинди. Бу унинг нафс қўлига айлангани оқибати эмасми?
Қонунларимиз адолатли. Қонун олдида ИИБ ёки ҳуқуқ органи ходимини ёки оддий фуқарони, ким бўлишини қатъий назар — барча баробар! Жиноят қилган бор-ки — жазо муқаррар!

Қаҳрамон МИРСАФАЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман суди судьяси Саодат МАТЕҚУБ қизи,
"Adolat" мухбири



# Банк ёрдамига умид қилманг, нажот йўқ!

Корхона давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг Пахтачи туманида жойлашган «Агробанк» филиалида ҳисоб-рақамини очиб, Хитой давлатидан асбоб-ускуналар сотиб олиб келишни мақсад қилдик. Лекин бу банк филиали томонидан ҳар хил важлар рўқач қилиниб, кредит ажратилмаганидан сўнг ҳисоб-рақамимизни «Асака» акциядорлик тижорат банкининг Самарқанд вилоят филиалига ўтказдик. Тез орада «Асака» АТБнинг филиалига ҳам кредит бўйича мурожаат қилдик. Айтилган барча ҳужжатларни тақдим этишимизга қарамасдан, кредит бериш масаласи шу кунга қадар, яъни 2 йилга яқин вақт ўтса ҳам ҳал этилмагандан келмоқда. Ушбу масала юзасидан мен

2018-2019 йиллар давомида 6 маротаба Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига, икки маротаба Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг ишонч телефониغا, Республика Марказий банки раҳбариятига бир неча бор, 2018 йили Республика Бош прокурорининг биринчи ўринбосари иштирокида Каттакўрғон шаҳрида бўлиб ўтган сайёр йиғилишда, шунингдек, 2019 йилнинг 15 мартда Пахтачи туманида вилоят ҳокими Э.Турдимов ва вилоят прокурори иштирокида тадбиркорлар билан ўтказилган учрашувда шахсан вилоят ҳокими Э.Турдимовга мурожаат қилган эдим. Вилоят ҳокими Э.Турдимов бизга ажратилган бинони кўриб чиқиб, лойиҳамизни маъқуллаб, «Асака» банк бошқаруви раиси ўринбосарига 2019 йилнинг 1 майдан қолмасдан кредит масаласини ҳал этиб беришни айтган эди. Бундан ташқари, 2019 йил сентябрь ойида Республика Бош вазирининг 2 маротаба ариза билан мурожаат қилганим ҳам ўз самарасини бермади. 2018 йилнинг июль ойидан бугунги кунгача Пахтачи туманидан Самарқанд шаҳрига (орандаги масофа 150 километрдан кўп) ҳафтасига 2-3 маротаба қатнашимга қарамасдан, «Асака» АТБнинг Самарқанд вилоят филиали ходимларининг кўнимсизлиги, ўз вазифасига масъулиятсизлиги оқибатида кредит бериш масаласи ханузгача ҳал этилмагандан қолмоқда.

«Асака» банк Самарқанд вилоят филиалига ҳужжатларини топширганимдан буён меннинг лойиҳамни кўриб чиққан 5 та ходим ўзгарди, ҳар сафар янги ишга келган ходим кредит беришни ваъда қилиб, 2-3 ой сарсон қилиб, бошқа ишга ўтиб кетди ёки ишдан бўшаб кетди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги «Хусусий мулкни химоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш ва мулкдорлар тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида» ПФ-5780 рақамли фармонида барча вилоят, туман ҳокимларига, жумладан, банк раҳбарларига тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича «Йўл харитаси» ишлаб чиқилган бўлишига қарамасдан, «Асака» АТБнинг Самарқанд вилоят филиали раҳбарининг қандай изохлаш мумкин? «Асака» банк Самарқанд вилоят филиали раҳбарининг 2019 йил 11 сентябрда менга юборган хатига биноан Пахтачи ту-

манида жойлашган бино туман ҳокимияти томонидан 2019 йилнинг 31 декабригача тузилган ижара шартномаси узоқ муддатга тузилиши лозимлиги қайд этилиб, қайтариб юборилган эди. Шу сабабли Пахтачи туман ҳокимлиги билан келишиб, ушбу жойни 2019 йил 29 октябрь кунини Е-ижро аукцион орқали 5 йилга, ҳар йили 20 миллион сўмга яқин тўлов шарти билан 3 томонлама ижара шартномаси тузиб, барча ҳужжатларни банкка топширдим. Лекин, минг афсуслар бўлсинки, 2019 йилнинг 19 ноябрь кунини «Асака» банк Самарқанд вилоят филиали томонидан юборилган 11/5295-сонли хатда лойиҳа амалга оширилмаган бўлиши ва бинони гаров сифатида қўйишимиз лозимлиги қайд этилиб, яна асоссиз равишда кредит масаласи ҳал этилмагандан қолди. Ахир биз гаров эвазига бошқа мол-мулк тақдим этганимизку! Бундан кўриниб турибдики, банк филиали ходимлари тадбиркорларга ёрдам бериш ўрнига фақат баҳона қидирмоқда. Бу ҳолатлар ҳурматли Президентимиз томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида қабул қилинаётган фармон ва қарорлар талаблари жойларда бажарилмаётганлиги

ни, «Асака» банкнинг Самарқанд вилоят филиали ходимлари тадбиркорларга ёрдам ўрнига улар фаолиятига тўсиқ бўлаётганлигини кўрсатади. Жойлардаги банк ходимлари ўз айблари билан бир тадбиркор жабр кўраётганлигини, аҳолини иш ўринлари билан таъминлашга интилаётганини билсада, бунга эътибор бермайди, лойиҳалар юзаки кўрилади, масалани ижобий ҳал этмайди. Агар Президентимиз томонидан чиқарилаётган қарорлар банклар томонидан бажарилмаслигини билганимда ёки банк ходимлари томонидан режаларини амалга оширишга имкон берилмаслигини англаганимда қаровсиз бинони таъмирлатмаган ва шунча маблағни бекорга ишлатмаган, энг асосийси, қимматли вақтинми бекорга сарфламаган бўлардим. Ҳурматли таҳририят ходимлари! Сизлардан нажот излаб мурожаат қилмоқдаман. Негаки, сизларнинг тадбиркорларга, элим-юртим деб фаолият юри-

таётган инсонларга, халқига озроқ бўлсада ёрдами тегаётган фуқароларга, меҳнатдан кўрқмай ҳаракатда бўлган ҳар қандай одамдан ёрдамларини аямаслигини кўп маротаба ўқиганмиз, кўрганмиз. Шу сабабли бизнинг бу муаммомизни ҳам ижобий ҳал этиб беришда ёрдамингизни аямасиз, деган умиддамиз. Сизлар ҳам ёрдам бера олмасангиз, у ҳолда мен Ўзбекистон Республикаси Президентига онлайн-интернет орқали тўғридан-тўғри мурожаат этишга ёки икки йиллик сарсонгарчиликларим борасида ҳамда юртимиздаги банкларга ишонмаслик тўғрисида халққа, аҳолига интернет орқали маълум қилишга мажбур бўламан. Ахир халққа хизмат қиламан десангиз ниятингиз ушаладиган, адолат изласангиз топиладиган кунлар бўлармикан?! Ҳурмат ила

**Баҳодир ҚУРБАНОВ,**  
«NAFOSAT-TEXTILE»  
МЧЖ директори.

**Таҳририятдан:** редакциямизга юборилган бу шикоят хатини қандай ёзилган бўлса, шундай эълон қилмоқдамиз. Албатта, биз «Асака» банкнинг Самарқанд вилоят филиали билан «NAFOSAT TEXTILE» МЧЖ директори Баҳодир Қурбанов ўртасидаги кредит бериш, кредит олиш масалалари тўғрисидаги муаммо борасида банк ходимлари ёки тадбиркор ҳақ деяр хулоса чиқариш фикридан йироқмиз. Бу борада аниқ хулосани ҳуқуқ соҳаси вакиллари айтишар. Лекин масаланинг бошқа томони бор. Банкнинг Самарқанд вилоят филиали раҳбарлари, вакиллари тадбиркор Баҳодир Қурбанов банкда ҳисоб-рақамини очётган пайтда янги ташкил этилаётган корхонанинг умумий аҳволдан хабардор бўлишган-ку. Банк вакиллари корхона раҳбари олдида қўяётган ҳозирги талабларни нега ўша пайтда айтмаган? Икки йиллик сарсонгарчиликларнинг, тадбиркорнинг 400 миллион сўм пулини кредит берилмайдиган корхонанинг биносига сарфлашини томоша қилиб ўтиришнинг кимга зарурати бор эди? Қолаверса, бир тадбиркор юрт равнақи, аҳоли фаровонлиги учун жон куйдириб, янги корхона очаман, халққа хизмат қиламан деса, Президентимиз тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб турса, банкдаги ходимлар кўнимсизлиги бунга йўл бермас, бу қайси ахлоқий, ҳуқуқий қоидаларга тўғри келади? Айни пайтда, адолат нуқтаи назаридан айтганда, «Асака» банкнинг Самарқанд вилоят филиали тадбиркор олдида ҳозирги шароитда ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан жавобгар ҳисобланади. Бас, шундай экан, банк учун ҳам, тадбиркор учун ҳам янги корхонанинг фаолият бошлаши энг мақбул йўл эмасми?



## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 125 ЙИЛЛИГИГА

«Ўткан кунлар» асари қаҳрамонларининг ўзаро муомаласида, уларнинг ҳатто фарзандларини ҳам «сиз»лаб гапириши мисолида ота-боболаримизнинг оила маънавиятига қанчалик катта эътибор берганликларни кўришимиз мумкин.

### Доимо эъзозга лойиқ



Ўзбек йигит-қизларининг гўзал одоби, чексиз андишаси, катта-кичик, узоқ-яқин кишиларнинг ўзаро муомала-муносабатларидаги юксак маданиятини ёзувчи моҳирлик билан тасвирлайди. Қизиғи шундаки, ёзувчи бирор ўринда миллатни мақтамайди, лекин қаҳрамонлар тутумини, одамларнинг ўзаро муносабатлари-

ни шундай кўрсатадики, халқимизнинг юксак фазилатлари ҳақида тасаввуримиз ортаверади. «Ўткан кунлар» романи миллий руҳ аниқ-равшан акс этганлиги билан ажралиб туради. Отабоннинг ота-онаси билан, Қутидор ва Офтобойимларнинг кудалари ҳамда куёвлари билан муносабатлари тасвирланган ўринларда фақат

Ўзбек миллатигагина хос муомала маданияти кўрсатилган. «Ёзувчиларда бир қонун бор: ҳаммадан илгари маъно, ундан сўнг шу маънони, фикрни ифода қилиш учун сўз қўриш, шунчаки сўз эмас, санъаткорона, яъни шундоқ сўзки, айтмоқчи бўлган фикрининг ифодаси учунгина махсус яратилган бўлиб, ясама бўлмасин», дейди ёзувчи мақолаларининг бирида. Абдулла Қодирий буюк романчилик мактабига асос солган, миллат равнақи, маънавияти, маърифати ва озодлиги йўлида ижод қилган забардаст ёзувчи ва маънавиятимиз дарғаси сифатида доимо кадрлидир. **Зебинисо ҲАЙДАРОВА,** Чилонзор туманидаги 195-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

### Қишки таътил кунлари белгиланди

Олий таълим муассасалари талабалари ва академик лицей ҳамда профессионал таълим муассасалари ўқувчиларига 2019-2020 ўқув йили қишки таътил даври 2019 йил 20 декабрдан 2020 йил 6 январгача этиб белгиланди.

2019 йилнинг 22 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига умумхалқ сайловлари ўтказилиши муносабати билан талабалар ва ўқувчиларнинг ўзи доимий рўйхатдан ўтган яшаш жойида овоз беришлари учун қишки таътил муддати ўзгартирилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга кетадиган талаба ва ўқувчиларнинг қишки таътил пайтида доимий яшаш жойларига бориб-келишлари учун қулайликлар яратиш мақсадида жорий йилнинг 16 декабрдан 22 декабрь кунига қадар ҳамда 2020 йилнинг 1 январидан 6 январига қадар 50% чегирма асосида йўл чипталари сотуви йўлга қўйилади.

# ALJ SAMARQAND

## МЧЖ

юртимиз аҳлини  
Конституциямизнинг  
27 йиллиги шодиёнаси  
билан муборакбод этади!

Диёримиздан доимо  
осойишталик,  
қут-барака ва  
шоду хуррамлик  
аримасин!

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Сийёсий Кенгаши

**Бош муҳаррир: Исрол ҲАМРОЕВ**  
Таҳрир ҳайъати:  
**Наримон УМАРОВ**  
**Муҳаммад АЛИ**  
**Гавҳар АЛИМОВА**  
**Муҳаррам АДАХОДЖАЕВА**  
**Қодир ЖўРАЕВ**  
Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Талъат МУРОДОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Собир ТУРСУНОВ  
Алишер ШОДМОНОВ  
Шухрат ЯКУБОВ

**Бўлимлар:**  
Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 71 288-46-54 (149); Котибиёт — 71 288-42-14 (144); Аxbорот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 71 288-42-12 (132); Қабулхона — 71 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 71 288-42-14 (132); 90 900-72-15  
Навбатчи муҳаррир — Саодат Раҳимова  
Навбатчи — Фурқат Тоғиев

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма тоб. Офсет усулида босилган. Буюртма 1 — 1200.  
1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,  
Чилонзор тумани «Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй.  
info@adolat.uz adolat.95@mail.ru  
Аади — 1099  
Боснига топшириш вақти — 21.00  
Боснига топшириш — 20.00  
Таҳририятга келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.  
Газетанинг етказиб берилиши учун бўғани расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.  
Баҳоси келишилган нарха

**НАПІР**  
**КўРСАТКИЧИ: 100**  
12 4 5 6